АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

ИНСОН ВА ҚОНУН

2002 йил
12 МАРТ
сешанба
№ 10 (266)
Сотувда
эркин
нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

ПРЕЗИДЕНТ АҚШГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 март куни расмий ташриф билан Америка Қўшма Штатларига жўнаб кетди.

АҚШ Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган давлатлардан биридир. Ўтган вақт мобайнида икки мамлакат ўртасида кўплаб ташрифлар амалга оширилди, талай ҳужжатлар имзоланиб, ҳамкорлигимизнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Ҳозир давлатларимиз ўртасида турли соҳаларда тенг манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Президентимиз сафар олдидан журналистларга берган интервьюсида мазкур ташриф Ўзбекистон-АҚШ муносабатларини янги босқичга кўтаражагини таъкидлади.

— Ташриф асносида олтита ҳужжат имзоланиши кутилмоқда, — деди Ислом Каримов. — Булар орасида энг асосийси, Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида имзоланадиган янги ҳужжатдир. У барча соҳалардаги алоқаларимизни ривожлантириш, мавжуд имкониятлардан янада самаралироқ фойдаланишга кенг йўл очади. Айниқса, Ўзбекистон чегаралари дахлсизлигини таъминлаш, юртимиз хавфсизлигини кафолатлаш нуқтаи назаридан бу ҳужжат жуда муҳимдир.

Умуман, АҚШга бу галги сафаримиз Ўзбекистондан иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш, бозор иқтисодиётига асосланган эркин, демократик ва фуқаролик жамияти барпо этиш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, қисқача айтганда, мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига чиқариш каби ззгу мақсадларга тезроқ эришишимизга катта ёрдам беради.

АҚШ Президенти Жорж Бушнинг таклифига биноан амалга оширилаётган ушбу тўрт кунлик ташриф чоғида мамлакатимиз Президенти Оқ уй раҳбари билан музокаралар ўтказади, парламент аъзолари, ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашади.

(ЎзА)



Қор қўйнида уйғонган баҳор...

Пойтахтимиздаги муҳташам "Туркистон" саройида 8 март — Халқаро хотин қизлар кунига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

* * *

Вазирлар Маҳкамасида Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ҳамда ҳукуматнинг аҳоли турар жойларида кўкламги ишларни ташкил этиш ва санитария-эпидемиологик ҳолатни янада яхшилаш юзасидан қабул қилган фармойиши ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

* * *

Қашқадарёдаги "Шўртангаз" конденсат конида компрессор станцияси қурилиши бошланди.

* * *

Олий хўжалик судида хўжалик судларининг 2001 йилдаги фаолияти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг йил якунлари таҳлил этилган йиғилишида кўрсатиб ўтилган устувор йўналишлар ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган пленум бўлиб ўтди.

* * *

Гулистонда "Ташаббус-2002" кўрик-танлови бўлиб ўтди.

* * *

Тошкент Давлат юридик институтида "Ўзбекистон Республикаси Парламенти: бугун ва истиқбол" мавзуида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

* * *

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясини 2002 йил 4 апрел куни Тошкент шаҳрида чақириш юзасидан Олий Мажлис Кенгашининг қарори қабул қилинди.

ПАРЛАМЕНТНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Мамлакатимиз сиёсий ҳаётида 2002 йил 27 январ Референдуми муҳим аҳамият касб этиб, янги истиқбол йўлларини белгилаб берди. Ҳокимиятнинг қонунчилик соҳасидаги жиддий ислоҳотларни демократик тамойиллар асосида олиб бориш зарурати давр талаби сифатида ўртага қўйилди.

Албатта, Референдум қарори халқ иродасини ўзида тўла акс эттиргани билан ғоят муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда бундан кейин ҳам аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий онгини ўстириш, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш энг асосий вазифалардан бири бўлиб қолаверишини таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Шунингдек, ҳуқуқий демократик давлатни ривожлантириш, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, мамлакатимиз жаҳоннинг ривожланган давлатлари қаторидан ўз ўрнини топаётганида Парламентнинг ўзига хос ўрни бор. Бу вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси ўзига хос тараққиёт йўлига эга бўлган 10 йиллик мустақил давлатчилик сиёсатини олиб борган демократик давлатдир.

Иккинчидан, бой тарихий давлатчилик таржибамиз, яъни ўзбек давлатчилигининг пайдо бўлиши ва унинг асосларини яна бир марта ўрганиб чиқиш (қадимги кенгашлар, курултойлар, машваратлар). Мисол тариқасида келтирсак, Соҳибқирон Амир Темур давлат ишларида асосан тўрт нарса — кенгаш, машварату маслаҳат, қатъий қарор, тадбиркорлик ва ҳушёрлик, ҳамда эҳтиёткорликни давлат бошқарув тизимининг асосий негизи деб билган.

Бўлажак Парламентнинг **қуйи палатаси** асосан қонун ишлаб чиқариш вазифасини профессионал асосда амалга ошириши талаб қилинади, асосий мақсад қуйи ва юқори палаталар иш жараёнида бир-бирини такрорламасдан, ўзаро назорат асосида иш олиб боришлари шарт. Палаталар ўз вазифаси ва ваколатлари доирасида бир-бирига нисбатан мустақил фаолият юритиб, давлат ва жамият ҳаётига молик масалаларни Парламентнинг қўшма мажлисларида ҳал қилиб олишлари лозим бўлади.

Бизнинг фикримизча, Парламентнинг қуйи палатасида қонун лойиҳасини ишлаб чиқишдан ташқари давлат бюджети, ижро ҳокимиятини ташкил қилиш ва назорат вазифаларини қонун йўли билан мустаҳкамлашни амалга оширса, айни муддао бўларди. Парламентнинг юқори палатаси эса кўпроқ суд ҳокимиятининг фаолиятини ташкил қилиши, кадрлар танлаш ва моддий таъминот, барча соҳалар бўйича ҳудудлар манфаатини эътиборга олиши ва ҳимоя қилиши, солиқ, давлат бошқаруви соҳалари, мудофаа ва хавфсизлик, ташқи сиёсат ва иқтисодий алоқалар, халқаро шартномаларни ратификация қилиш, қуйи палата томонидан ишлаб чиқарилган қонунларни кўриб чиқиб, тасдиқлаши назарда тутилади. Бундан ташқари Парламент томонидан қабул қилинадиган қонунларнинг ҳаётга тадбиқ этилишини назорат қилиш билан шуғулланмоғи мақсадга мувофиқ. Икки палатали Парламентга сайлов ўтказиш жараёнида энг асосий эътиборни номзодларнинг касби, билим савияси ва ҳаётий тажрибасига қаратиш лозим.

Мамлакатимизда демократик жараёнларнинг ривожланишида сиёсий партиялар фаолиятининг етарли даражада эмаслигини тан олишимиз керак. Профессионал Парламентнинг ташкил топиши сиёсий партияларнинг халқ орасидаги фаолияти ва ўрнини яна бир поғона юқорига кўтаришларини талаб қилади.

Парламент таркибини ташкил қилиш, айниқса, юқори палата фаолияти билан боғлиқ масалалар биз учун янгилик дейиш мумкин. Ўзбекистон Республикасида 12 та вилоят ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳри, жами 14 та ҳудудий бирлик мавжуд. Ҳар бир ҳудуддан эса юқори палата вакилларини аниқлаб олиш керак. Жаҳон тажрибасида бу икки йўл, яъни аҳоли сони ва ҳудудий тенглик тамойилларига қараб амалга оширилади.

Хорижий мамлакатларнинг тажрибасига назар ташласак, АҚШда ҳар бир штатдан иккита, ГФР да учта, агар аҳоли сони 2 млн.дан ошганда 4 та, 6 млн.дан ошганда 5 та, 7 млн.дан ошганда, 6 та, Италияда эса ҳар бир вилоятдан 7 та, Испания юқори палатасига ҳар бир ҳududдан тўрттадан вакил халқ томонидан тўғридан-тўғри яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Бундан ташқари дунёнинг аксарият барча мамлакатларнинг юқори палатасида давлат бошлиғи ва Бош вазир томонидан эл-юрт ҳурматини қозонган вакилларнинг номзоди тавсия этилиши бу мамлакатларда муайян ҳудудий манфаатларни умуммилий манфаатлар билан бирлаштиришга хизмат қилади.

Албатта, тараққий этган давлатларнинг бу борадаги бой тажрибасидан ўринли фойдаланиш ўзининг самарасини бермай қолмайди.

Айни шу масала юзасидан Президентимиз Ислом Каримов шундай деган эди: «Менинг битта таклифим бор, юқори палатага ҳар қайси вилоятдан сайланган депутатларнинг сони бир хил бўлиши керак. Мисол учун Самарқанддан 7 нафар вакил сайланса, Сирдарёдан ҳам, Жиззахдан ҳам қўйинги, барча вилоятлардан аҳолисини оз кўплигидан қатъий назар, 7 нафардан вакил сайланиши керак. Бу вилоятлар ўртасидаги ўзаро тенгликни таъминлайди».

Яна шуни айтиш керакки, Ўзбекистонда Олий Мажлиснинг қуйи палатасини ташкил қилишда маълум тажриба мавжуд. Бизнингча, қуйи палата сиёсий фирқалар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари вакилларидан ташкил қилинади ва уни Вакиллар палатаси ёки асосий фаолиятдан келиб чиққан ҳолда Қонунчилик Мажлиси деб аташ мумкин. Албатта, юқори ва қуйи палаталарнинг бундай номланиши кўпчиликнинг фикр-мулоҳазалари асосида ҳал этилади.

Парламентнинг қуйи палатаси кўпгина хорижий давлатлардаги сингари мамлакатимизда ҳам доимий фаолият юритувчи орган бўлиб, унинг таркиби сайлов округларида Ўзбекистон фуқаролари томонидан тўғридан-тўғри яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Бизнинг фикримизча, юқори палатага 30 ёшга тўлган, шу ҳудудда камида 10 йил муқим яшаган, қуйи палатага эса 25 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари сайланиши лозим.

Икки палатали Парламентни шакллантириш жараёнида қуйидаги асосий вазифаларни ҳал қилиш лозим деб ўйлаймиз:

Биринчидан, Парламент палатаси депутатларнинг ҳуқуқий мақомини ўрнатувчи ва сайлов тўғрисидаги Конституцион қонунларни қабул қилиш;

Иккинчидан, Парламент палаталарининг доимий қўмита ва комиссияларини ташкил қилиш йўлларини аниқлаш ва уларнинг ижроия ҳокимиятини назорат қилиш борасидаги мақомини кўтариш;

Учинчидан, палаталар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарини сайлаш йўлларини аниқлаш;

Бизнингча, палата раҳбарлари бевосита палата аъзолари томонидан сайланишлари лозим. Қуйи палата раҳбари сиёсий партияларнинг фракциялари, бошқа жамоат бирлашмалари ва депутатлик гуруҳлари томонидан кўрсатилиши мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Юқори палата раҳбари лавозимига номзод ҳар қайси маъмурий-ҳудудий бирлик ёки Президент томонидан тайинланган вакиллар томонидан кўрсатилиб, нисбатан кўп овоз олган номзод сайланиши лозим.

Тўртинчидан, Парламент палатасининг қўшма мажлисларида ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар ҳамда бу мажлисларда раҳбарликни ким амалга ошириши ва унинг ваколатларини аниқлаш. Қўшма мажлисларда раисликни палата раҳбарлари навбатма-навбат амалга оширсалар мақсадга мувофиқ бўларди.

Мамлакатимиз ўз тарихий тараққиёт йўлида тобора илгарилаб бормоқда. Албатта, бу кутлуғ жараёнда барча фуқаролар сингари олимлар, сиёсатшунос ҳамда ҳуқуқшуносларимиз зиммасига жуда катта масъулият юкланиши муқаррар. Ушбу йўлнинг машаққат ва қийинчиликларини илмий ҳодимлар билан амалиётчи мутахассислар ҳамма баробар тортиши кўриниб турган ҳақиқатдир.

Даврон АҲМЕДОВ,
Тошкент Давлат юридик институти доценти

Адлия тизими

САМАРҚАНД

Вилоятда 45 та давлат нотариал идоралари мавжуд бўлиб, уларда 55 нафар давлат нотариуслари фаолият кўрсатмоқда. Йилнинг ўтган икки ойида улар томонидан 9 минг 640 та нотариал ҳаракат амалга оширилиб, 45 миллион 190 минг 258 сўм миқдоридаги давлат божи ундирилди.

* * *

Вилоятдаги ФҲДЁ бўлимлари томонидан ўтган икки ойда 5 минг 60 та туғилиш, 1 минг 48 та никоҳ ва бошқа далолатнома ёзувлари қайд этилган. Бу ҳаракатлар орқали 1 миллион 433 минг 758 сўмлик давлат божи ундирилган. ФҲДЁ бўлимлари ходимлари томонидан фуқароларга шу вақт мобайнида 1 миллион 229 минг 731 сўмлик ҳуқуқий хизмат кўрсатилган.

* * *

Йил бошидан буён бошқармага хўжалик юритувчи субъектлардан 60 та ариза-шикоятлар келиб тушди. Уларнинг 14 таси ўз тасдиғини топди. Ҳозирда 17 ариза ўрганиб чиқилмоқда. 16 таси юзасидан эса ҳуқуқий тушунча берилди, 8 таси тегишлилиги бўйича бошқа идораларга юборилди. 5 та ариза тасдиғини топмаганлиги сабабли рад этилди.

* * *

Бошқарма иш режага асосан Нуробод туманида тадбиркорликни ривожлантиришни кучайтириш, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган қонунлар, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларининг бажарилиши юзасидан текшириш ўтказди ва аниқланган хато-камчиликлар бўйича туман ҳокими номига тақдимномалар тайёрланди.

* * *

Бошқарма томонидан 3 та хорижий сармоя асосида иш юритувчи корхона давлат рўйхатидан ўтказилган. Шунингдек, яна 5 та корхона қайта давлат рўйхатидан ўтказилди. 1 та кўшма корхонанинг фаолияти тугатилганлиги сабабли давлат рўйхатидан чиқарилди.

Нуқтаи назар

ФАРЗАНДЛАРИМИЗГА ҚОНУНЛАРНИ ЎРГАТАЙЛИК

Робия КАТТАЕВА,
Олий Мажлис депутати

Инсонга иньом этилган неъматлар ичида энг азизи фарзанддир. Шу боис фарзандларимиз учун ҳеч бир нарсани аяб ўтирмаймиз. Уларни яхши едириб-ичириш, кийинтириш баробарида арзирли мол-мулк, уй-жой мерос қолдириш учун умрбод заҳмат чекамиз. Арзандамизни бирор киши хафа қилса, ўкситса (ғарчи айб ўзида бўлса ҳам) жон-жаҳдимиз билан ҳимоя қиламиз. Ҳолбуки, фарзандни бу тарзда асраб-авайлашнинг меваси аччиқ бўлишини билмаймиз. Фарзанд тарбияси деганда, уни шаҳзодалардек бекаму кўст қилиб, ҳамма нарсани муҳайё қилиб қўйишни тушунмаслигимиз керак. Бу хусусда ортиқча баҳс-мунозара қилиш ниятим ҳам йўқ. Зеро, аждодларимиз қобил фарзанддан комил инсонгача бўлган тарбия босқичи ҳақида қанчадан-қанча бебаҳо асарларни битиб, мерос қолдиришган. Кайковус дейсизми, ҳазрат Алишер Навоий дейсизми, ўтган асрдаги адиб Абдулла Қодирийни оласизми — барчабарчаси маънавий хазинамизни турфа жавоҳирлари билан бойитган. Шунингдек, бу соҳага диний қадриятларимиз мисолида жавоб изласак ҳам битмас-туганмас намуналар мавжуд. Ҳазрат Пайғамбаримиз (САВ)нинг "Ҳеч бир ота-она фарзандига илм ўргатишдан кўра афзалроқ мерос қолдира олмайди" деган муборак сўзлари такрор ва такрор ёдимга тушаверади. Узоқ йиллардан буён ўрта мактабда халқимиз фарзандларига таълим беришдек заҳматли касбни эъзозлаб келаман. Болалар руҳияти ўта таъсирчан бўлади. Дейлик, бадавлат хонадонда ўсиб-улғайган боланинг башанг кийимда синфга кирганини кўрган калтақўл оиланинг фарзанди ўксиши мумкин. Ёки ўзаро муомалада ҳам ушбу тафовут салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис ўзим раҳбарлик қилаётган мактабда барча болаларнинг бир хил ўқув либосида келишини қатъий талаб қиламан. Айниқса, юқори синф қизларининг турфа тилла тақинчоқлару ялтир-юлтир либослар, шунингдек, ғарбликларга хос кийим-кечакда мактабга келишини таъқиқладик. Аксарият ота-оналар мажлисларида ҳам мана шу муаммога эътибор берилади. Мақсадимиз шуки, тарбиялаган болаларимиз ижтимоий ҳолати, миллати, динни қандай бўлишидан қатъи назар, битта оила аъзоларидек аҳил бўлишсин. Кўп миллатли халқимиз Юртбошимиз раҳнамолигида ҳуқуқий демократик давлат бунёд этиш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда. Бироқ ушбу жумлалар қанча жарангли ва кўтаринки руҳда бўлмасин, ислоҳотлар суст кечаётган жойларда тамоман бунинг тескарисини кўриб турибмиз. Ҳуқуқий демократик давлат тушунчасини олийгоҳ талабасидан ҳам аввало мактаб партасида сабоқ олаётган фарзандларимиз онгида шакллантиришимиз лозим. Токи ёшларимиз ҳукумат қонунларини яхши тушуниб, ўзгаларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳам ҳурмат қилишни ўрганишсин. Айни пайтда академик лицейлар, коллежлар ва бошқа ўрта махсус ўқув юртларида ҳуқуқшунослик бўлимлари очилди. Ўрта мактаблар айниқса, шаҳарлардаги мактабларда ҳам ҳуқуқ асослари фани ўқитилмоқда. Аммо кўнгилнинг бир четини андак хавотирли саволлар безовта қилади: ушбу масъулиятли ишга юзаки ёндашилмаяптими? Барча жойларда ҳам мазкур фандан билим доираси кен мутахассислар сабоқ беришаяптими? Ўқитувчилар, дарсликлар етарлими? Дарслар ҳаёт тажрибаси билан омухта ҳолда ўтилаяптими? Бундай дейишимга сабаб шуки, бугун қилинаётган сарф-харажат ва меҳнат келгусида ижобий самара бермоғи шарт. Давлатимиз ўтган йили маориф соҳасига 533,8 миллиард сўм (жами бюджет харажатининг 28,1 фоизи) сарф қилган бўлса, жорий йилда бунга 1,8 миллиард сўм қўшимча маблағ ажратиш режалаштирилди. Жаҳон тарихида таълим соҳасига бу қадар ғамхўрлик бўлган эмас.

Ҳеч бир давлат ўз тарихида Ўзбекистон сингари бозор иқтисодиётига ўтиш ислоҳотлари кечаётган бир паллада халқ таълимини бу даражада қўллаб-қувватламаган. Шу боис биз маорифчиларнинг амалий жавобимиз ҳам мана шу ғамхўрликка муносиб бўлмоғи зарур. Юртбошимиз уқтирганларидек, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва энг муҳими, бахтли бўлишлари шарт!

СУД ҲУЖЖАТИ — АДОЛАТ МЕЗОНИ

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларни жадаллаштириш ва янада такомиллаштириш йўлида изчил тадбирлар амалга оширилмоқда. Навоий вилоятида ҳам бу борада муайян ютуқлар қўлга киритилди. Хусусан, Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ 6-сессиясида қабул қилинган "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонунни ўрганиш ҳамда ҳаётга тадбиқ этишга алоҳида эътибор берилди. Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, суд фаолиятини моддий-техник ва молиявий жиҳатдан таъминлаш Департаментининг ҳудудий бўлимлари мазкур ҳужжатни кенг тарғиб этиш учун барча воситаларни ишга солмоқда. Департаментнинг Самарқанд, Навоий, Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудий бўлимлари бошлиқлари ҳамда мутахассислари, тўрттала вилоятдаги туман ва шаҳар суд ижрочилари бўлинмаларининг ходимлари иштирокида бўлиб ўтган минтақавий семинарда соҳага оид муаммоларга ечим изланди ҳамда тажрибалар алмашилди.

Шунингдек, унда қисқа фурсатда суд-ҳуқуқ тизимида қўплаб муваффақиятларга эришилганлиги қайд этилди. Адолат ва демократик тамойиллар устуворлигига эришиш, ижро тизими тезкорлиги ва аниқлигини таъминлашга қаратилган асосий йўналишлар белгилаб олинди.

Ёрқул УМАРОВ

ҚОНУН ТАДБИРКОРГА ҚАЙИППАДИ

Мамлакатимизда тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилинишга катта эътибор берилмоқда. Бу борада айниқса хўжалик юритувчи субъектларда текширишлар ўтказиш ва текширишларни рўйхатга олиш Китоби муҳим аҳамият касб этаётгани айни ҳақиқат. Мисол учун айтадиган бўлсак, вилоятимиздаги 9184 та тадбиркорлик субъектларига "Текширишларни рўйхатга олиш Китоби"ни тарқатган эдик. Ана шундан сўнг бошқарма ходимлари томонидан 365 та тадбиркорлик субъектларининг "Китоби" кўздан кечирилди. Мазкур жараёнда айрим назорат қилувчи органлар томонидан **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"**ги Қонун талабларига зид равишда текшириш ўтказилганлиги ҳолатлари аниқланди. Хусусан, Қарши шаҳридаги "Ал-Исломбек" фирмаси фаолияти юзасидан вилоят электр тармоқлари корхонаси ходимлари ноқонуний текшириш ўтказишган. Бу ҳолат аниқлангач, фирманинг қонуний манфаатини кўзлаб, фирма бой берган 5500 сўм миқдоридаги фойдани ва фирма раҳбарига етказилган 10000 сўм миқдоридаги маънавий зарарни ундириш учун Қарши туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига даъво аризаси киритилди. Ушбу ариза 2001 йилнинг 6 апрелида суд томонидан кўриб чиқилиб, даъво қаноатлантирилди.

Ўтказилган текширишларда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда айрим туман ҳокимликлари томонидан тадбиркорлар ҳуқуқларининг бузилиш ҳолатлари ҳам кўплаб аниқланмоқда. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, Косон туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Донаев "Равшанбек" фермер хўжалигини асоссиз равишда рўйхатдан ўтказмай келган. Натижада бошқарма томонидан мазкур фермер хўжалигини рўйхатдан ўтказиш ва етказилган маънавий зарарни ундириш юзасидан Косон туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига даъво аризаси киритилди. Даъво аризаси суд томонидан кўриб чиқилиб, 2001 йил 16 апрелида Косон туман ҳокимлиги зиммасига "Равшанбек" фермер хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказишни юклаш ва тадбиркорга етказилган маънавий зарарни ундириш ҳақидаги ҳал қилув қарори чиқарилди.

Тадбиркорларга ноқонуний тарзда тазйиқ ўтказиш ҳолати Усмон Юсупов туманида ҳам содир этилган. **"Фермер хўжалиги тўғрисида"**ги Қонунда фермер хўжаликлари фермер хўжалиги аъзоларининг қарори ёки суднинг қарори билан тугатилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

(Давоми иккинчи бетда)

ҚОНУН ТАДБИРКОРГА ҚАЙИШАДИ

(Боши биринчи бетда)

Бироқ У.Юсупов тумани ҳокими К.Ҳайдаров ўз ваколатига кирмаса-да, ҳудуддаги бир ёки иккита эмас, биратўла 21 та фермер хўжалигини тугатиш ҳақидаги қарорга имзо чекиб юборган. Бу ноқонуний хатти-ҳаракатга ҳам аралашишга бошқарма ўзини масъул деб билди. Натижада фермер хўжаликлари манфаатини кўзлаб бу қарорларни ноқонуний деб топиш ҳақида судга даъво аризаси киритилди ҳамда суд томонидан даъвони қаноатлантиришга эришилди.

Маълумки, республикамизда қишлоқ хўжалигига оид “Ер кодекси”, “Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари) тўғрисида”, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинган. Шундай бўлса-да, уларни амалиётга қўллашда, хусусан, ички хўжалик шартнома интизоми ва маданиятига риоя қилишда айрим ширкат хўжаликлари раҳбарлари томонидан тадбиркорларнинг қонуний манфаатлари қўпол тарзда бузилмоқда. Мана бир мисол. Нишон туманида яшовчи фуқаро Назар Нормуродов “Оқ олтин” ширкат хўжалигида 1994 йилдан буён 29 гектар ер майдонини ижарага олиб, оила аъзолари билан биргаликда оила пудрати шартномаси асосида пахта, ғалла етиштириб келган. Шартнома шартларини бажаришга келганда эса ширкат хўжалиги раҳбарлари асоссиз тарзда бўйин товлаганлар. Натижада 118708 сўмлик иш ҳақи, 328860 сўм миқдоридаги иқтисод қилинган маблағ оилавий пудратчига тўланмаган. Н.Нормуродовнинг бу ҳақдаги аризаси адлия бошқармаси ходимлари томонидан ўрганиб чиқилганда, барча важлар асосли эканлиги тасдиқланди. Шундан сўнг Қарши туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига киритилган даъвао аризаси 2001 йил 10 октябр куни суд томонидан қаноатлантирилиб, ширкат хўжалиги ҳисобидан 118708 сўм иш ҳақи ва 328860 сўм миқдоридаги иқтисод қилинган маблағни ҳамда ширкат хўжалиги бош ҳисобчиси Норкулов Эщдавлатдан 5000 сўм миқдорида маънавий зарарни ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилди. Бу каби ҳолатлар вилоятимизнинг бошқа туманларида ҳам юз берган.

Умуман олганда, шартнома шартларининг бажарилмаслиги оқибатида деҳқон, фермер хўжаликларига, оила пудратчиларига ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга келтирган моддий ва маънавий зарарларни ундириш борасида уларнинг манфаатларини кўзлаб хўжалик судлари ва фуқаролик ишлари бўйича судларига 28 миллион 823,3 минг сўмга 105 та даъво аризалари киритилди.

Адлия бошқармаси томонидан киритилган 13 та даъво аризалари бўйича эса 270,0 минг сўмлик маънавий зарарлар айбдор мансабдор шахслар ҳисобидан қопланди. 11 та даъво аризалари бўйича 195,0 минг сўм фермер хўжаликлари бошлиқлари фойдасига, 2 даъво аризаси бўйича 75,0 минг сўм оила пудратчилари фойдасига ундирилди. Маънавий зарарларни ундириш бўйича 4 та айбдор мансабдор шахслар моддий жавобгарликка тортилиб, улардан ундирилган маблағ 270 минг сўмни ташкил этди. Хусусан, ўтган муддат мобайнида хўжалик юритувчи ва субъектлар томонидан шартнома бажарилишини назорат қилиш бўлимимизга 29 та ариза ва шикоят хати келиб тушган эди. Бошқармамиз ходимлари томонидан улар жойида ўрганиб чиқилиб, ўз муддатида муаллифлар ҳамда тегишли ташкилотларга ёзма равишда жавоб берилди. Бу ариза ва шикоятларнинг 10 таси бўйича судларга даъво аризаси киритилди. Умуман олганда, ўтган муддатда вилоятда фаолият кўрсатаётган 136 та корхона, ташкилотларда шартномаларнинг тузилиш ва бажарилиши аҳволи ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш йўли билан ўрганиб чиқилди. Ана шу жараёнда аниқланган камчиликлар бўйича 14 та тақдимнома киритилди. Киритилган тақдимномалар бўйича шартнома интизомини бузган 1 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳар бир қабул қилинган ҳужжат тадбиркор манфаатини кўзлайди, тадбиркорга қайишади.

Ғайбулла САФАРОВ,
Муҳаммад ОЧИЛ

Адлия тизими

САМАРҚАНД

Бошқарманинг “Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш” бўлимига йил бошидан биринчи мартга қадар бузилган ҳуқуқларини тиклаш масаласида тадбиркорлардан “Ишонч телефони” орқали 20 та оғзаки мурожаат, 60 та ёзма ариза ва шикоят тушди. “Ишонч телефони” орқали олинган мурожаатларнинг 9 таси бўйича кейинчалик расмий равишда аризалар қабул қилинган. Қолганларига эса ҳуқуқий тушунча берилган.

* * *

Вилоят адлия бошқармаси Самарқанд шаҳридаги “Тижорат” ёпиқ акциядорлик жамияти манфаатларини кўзлаб, жавобгар — “Уйсозлик” очиқ акциядорлик жамиятининг умумий ва кузатув кенгаши йиғилишларини ҳақиқий эмас, деб топиш ва Сиёб туман 4-сон нотариал идораси ҳамда хусусий нотариус А.Умаровнинг 9902,2-1248 реестр рақамлари билан амалга оширилган олди-сотди шартномаларини бекор қилиш тўғрисида вилоят хўжалик судига даъво ариза киритди. Суднинг ҳал қилув қарори билан ушбу даъво ариза қаноатлантирилди.



Имом Бухорий зиёратгоҳи

Митти маслаҳат

ЕРГА ҚАНЧА ҲАҚ ТЎЛАНАДИ?

Ҳаммамизга маълумки, 1998 йил 30 апрелда Олий Мажлис томонидан Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси тасдиқланди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан жуда кўп муаммоли масалалар ўз ечимини топди. Агар Кодексга назар ташлайдиган бўлсак, ернинг давлат мулки эканлиги — умуммиллий бойлигимиз ҳисобланиши, ундан оқилона фойдаланиш зарурлиги, у давлат томонидан муҳофаза этилиши ҳамда олди-сотди қилинмаслиги, айирбошланмаслиги, ҳадя этилмаслиги, гаровга қўйилмаслиги, фақатгина республикамиз қонунларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно эканлиги таъкидланган.

Ер кодексининг 17-моддасига кўра, юридик шаслар ушбу кодекс ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлиши мумкин.

Жисмоний шахслар ушбу кодекс ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш, мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлиши мумкин.

Мамлакатимиз фуқаролари деҳқон хўжалигини юритиш, якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш, жамоа боғдорчилиги ва узумчилиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга ер участкаси олиш ҳуқуқига эгадир. Ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам берилиши мумкин.

Ўз эгалигида ва фойдаланишда ҳамда мулкида ер участкалари бўлган юридик ва жисмоний шахслар ер учун ҳақ тўлайдилар. Албатта, ер учун ҳақ ҳар йили тўланадиган ер солиғи шаклида олинади, унинг миқдори ер участкасининг сифати, жойлашиши ва сув билан таъминланиш даражасига қараб белгиланади. Демак, ер солиғи ҳар бир муайян юридик шахс ёки жисмоний шахсдан турлича миқдорда ундирилиши мумкин.

Газетхонларни деҳқон хўжалигини юритишга бериладиган ер участкалари миқдори қизиқтириш табиийдир. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ҳар бир аъзосининг, бошқа қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотлари ҳар бир ходимининг оиласи, шунингдек, қишлоқ жойларида яшовчи ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа мутахассисларнинг оилаларига деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга томорқа ер участкаси иморат ва ҳовли эгаллаган майдонни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача ўлчамда ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 0,50 гектаргача ўлчамда, чўл ва саҳро минтақасида эса суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 1 гектаргача ўлчамда берилади.

Яна шуни айтиш жоизки, юридик ва жисмоний шахслар ўртасида ер хусусидаги низолар суд томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Ҳуқуқий саводхонлик сари

СУҒУРТА ҚИЛИШ ШАРТМИ?

Суғурта тизимига кўра суғуртачи билан суғурталанувчилар орасидаги шартнома икки томон келишиб олгандан кейин кучга киради. Мазкур битимга биноан унинг ҳамма бўлимлари бўйича алоҳида келишиш унчалик шарт эмас, балки суғурталовчи ўз навбатида суғурталанувчига суғурта полисини беради. Шундан сўнг икки томон учун ҳам тузилган шартнома амалий куч касб этади. Хусусан, суғурта қилинаётган предмет суғурта муддати, суғурта маблағи ва суғурта мукофоти бўйича аниқ тарзда келишиб олиш зарурий ҳол ҳисобланади.

Қонун талабига биноан ҳар бир юридик ҳужжат аниқ мақсадларни ўзида ифода этиши, унда кўрсатилган ҳамма шартларни бажариш учун шароитларни ҳисобга олиш ва имзоланадиган ҳужжатларда томонларнинг тўла манзилгоҳи, суғурта соҳаси, суғурта риски (соғлиги, жисмоний жиҳатдан камчиликлари) кўрсатилиши керак. Шартнома ҳуқуқий жиҳатдан аниқ бўлиши керак, қачонки томонлар ҳамма бўлим ва бандлари бўйича ягона фикрга келгандан кейингина шартнома тан олинади.

Суғурталаш орқали ҳар бир мулк эгаси ўзига таааллуқли бўлган моддий бойликни ўғирланиш, ёнғин, сув тошқини ва бошқа салбий ҳодисалардан суғурталаш ҳаётий зарурат ҳисобланади.

«Суғурта тўғрисида»ги Қонунни фуқаролар ва юридик шахсларнинг суғурта хизматларига бўлган талабларини тўлиқ қондириш кафолатланган.

Мазкур қонуннинг 1-моддасида кўрсатиладики, **“Суғурта тўғрисида”**ги Қонун суғурта ташкилотлари билан фуқаролар, юридик шахслар, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳамда суғурта ташкилотлари ўртасидаги ўзаро суғуртага доир муносабатларни тартибга солади. Шунингдек, суғурта фаолияти давлат томонидан тартибга солинишининг асосий доираларини белгилайди. Ушбу қонунда суғуртага доир ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартиблар асосида амалга оширилади. Суғурта фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш **“Суғурта тўғрисида”**ги Қонун ҳамда суғурта шартномалари ёрдамида амалга оширилади. Қонунда таъкидланганидек, шартнома асосий юридик ҳужжат ҳисобланади. Бунда суғуртачини суғурталанувчи олдида олган мажбуриятларни бажариш, бадалларни тўлаш бўйича олган мажбуриятлари киради.

Қонунда суғурта тўловлари суғурта ҳолати юз берган тақдирда тўланади ёки шартномада кўрсатилган муддат мобайнида юз берса ҳам тўланиши шарт. Суғурта ҳолати юз берганлиги тўғрисида актни суғурталовчи ёки унинг ишончли вакили тузади. Суғурталовчи мустақил ҳолатда суғурта ҳолати юз берганлиги сабабларини ўрганиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, суғурта ҳолатининг юз берганлиги тўғрисида корхона, ташкилот, банк ва тижорат сири билан боғлиқ бўлган сабаблардан хабардор қилиниши лозим.

Суғурта шартномасини тузган шахс унда кўрсатилган суммадан ортиқ пул маблағини олишга ҳаққи йўқ. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаса ёки суғуртачи билан суғурталанувчи ўртасидаги шартнома бўйича кўрсатилган шартлар тўлиқ бажарилган бўлса, шунингдек, лицензиясининг амал қилиш муддати ноқонуний деб топилса ёки касод бўлган ҳолларда ва ҳоказо шартларга кўра суғурта шартномаси бекор қилинади.

Суғурта шартномаси суғурта ҳодисаси рўй бергандан кейин тузилган бўлса, суғурта объекти суғурта ҳодисаси ҳисобланмаган тақдирда, яъни сурункали касаллик, юқумли, тери-таносил касалликлари юз берганда, суғурталовчининг аризаси ва лицензиясида суғурта тури қайд қилинмаган тақдирда ҳақиқий ҳисобланмайди. Мажбурий суғурталаш ишларини давлат суғурта компаниялари амалга оширади. Суғурта бўйича давлат назорати умумий қоидаларини ишлаб чиқади. Давлат суғурта назорати катта ҳуқуқларга эга бўлиб, Ўзбекистон ҳудудида суғурта фаолияти билан шуғулланаётган барча суғурта ташкилотларини, шу жумладан, чет эл суғурта фирмалари, уларнинг филиаллари иштирокидаги қўшма суғурта ташкилотлари назоратида рўйхатга олиши ва уларга рухсатнома бериши шарт қилиб қўйилган.

Суғурта ташкилотлари рўйхатга олувчи органга тақдим этган маълумотларнинг тўғри бўлиши учун жавобгарликни зиммасига олган. Маълумки, барча давлатларнинг суғурта тўғрисидаги қонунларида суғурта фаолиятини олиб бориш учун махсус рухсатнома талаб этилади. Мамлакатимизда ҳам суғурта ташкилотларига фаолият олиб бориш учун рухсатномани Давлат суғурта назорати беради. Тегишли рухсатнома олмаган суғурта ташкилотлари суғурта ва қайта суғурта қилиш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эмас.

(Давоми бор)

Ҳабибулла БОЕВ,
Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети доценти,
Муҳамадали ЭШНАЗАРОВ,
катта ўқитувчи

Оталар дейдики:

Бошқаларнинг сўзини сенга ташиган кимса, билки, сенинг сўзингни ҳам бошқаларга ташийди.

* * *

Истаганини сўйлаган истамаганини эшитади.

* * *

Севимли нарсаларга машаққат билан, яхшиликка эса ўзига севимли бўлган нарсаларни (бировга) сарф қилиш билан эришилади.

* * *

Ахлоқий таъсир кучи ҳар қандай кучдан устундир.

* * *

Болаларни шундай тарбия этиш лозимки, бахтга бўлган интилишлари ҳеч қачон хазон бўлмасин,сўнмасин, балки кўкарсин.

* * *

Оила — жамиятнинг митти кўриниши. Бутун инсониятнинг хавфсизлиги — оиланинг мустаҳкамлигига боғлиқ.

* * *

Энг муҳими бошланғич тарбиядир. Бошланғич тарбия эса, сўзсиз, аёллар билан боғлиқ.

* * *

Оилада биринчи фарзандни мустаҳкам оёққа турғиза билиш муҳим аҳамиятга молик, чунки у кейингиларга таянч бўлади.

«Нимкоса»нинг қилмиши

“ТЎСҚИНЛИК ҚИЛМАНГ, РАИС БУВА!”—

ДЕЯ ОГОҲЛАНТИРИЛГАНДИ, АММО...

Пастдарғомлик Илҳомжон Усмонов уйдагилар билан маслаҳатни бир жойга қўйиб, фермер хўжалиги ташкил этишга аҳд қилди. Шу мақсадда у “Машъал” ширкат хўжалиги бошқарувига ер сўраб ариза ёзди. 2000 йилнинг 8 февралида И. Усмонов ташкил этаётган “Буви Салима” фермер хўжалигига ширкат хўжалигининг 14-бригадаси ҳудудидан 10 гектар ер ажратиш тўғрисида умумий йиғилиш қарори чиқди. Кейин туман ҳокимининг қарори билан “Буви Салима” фермер хўжалиги рўйхатга олиниб, ўн йил муддатга 10 гектар ер майдони ажратиш белгиланди.

Бир қараганда, ҳаммаси рисоладагидек текис кетаётган, эрта-индин фермер хўжалиги фаолияти йўлга тушадигандек эди. Аммо ҳаммаси сиртдан қараганда шундай эди, холос.

Аслида эса...

Аввало шуни айтиш керакки, хўжалик бошқаруви раиси Ғ. Амиров ҳоким қарорини кўтариб ҳузурига кирган фермерга бошини ўгириб ҳам қарамади. Кимсан, қандай ташвиш билан юрибсан, дея сўрашни ҳам ўзига эп кўрмади. Ер беришни эса пайсалга солиб юраверди.

Ўтган йилнинг ноябр ойида туман ҳокимининг қарорига асосан “Машъал” ширкат хўжалиги С. Маллаев номидаги ширкат хўжалиги билан бирлаштирилди. Табиийки, энди И. Усмонов ерни С. Маллаев номидаги ширкат хўжалигидан олиши керак эди. Буни қарангки, бирлашган янги хўжаликнинг бошқарув раиси эски таниш Ғ. Амиров эди. Ер ололмай овораю сарсон бўлиб юрган И. Усмонов яна раис буванинг қабулига борди.

Аммо яна бирон-бир натижа чиқмади. У ноумид изига қайтди.

Кейин И.Усмонов вилоят адлия бошқармасига мурожаат этди.

Адлия бошқармаси эса ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Ғофир Амиров номига **“Фермер хўжалиги тўғрисида”**ги Қонуни талабларига қатъий риоя қилиш ҳақида ёзма огоҳлантириш киритди.

Бу огоҳлантиришдан хўжалик бошқаруви раиси тўғри хулоса чиқариб, йўл қўйган камчилигини тузатишга киришгандир, деб ўйларсиз? Йўқ!

Раис жаноблари пинак ҳам бузмади.У мутлақо асоссиз важлар кўрсатиб, мазкур ҳужжат ижросини таъминламади. Фермер бўламан, дея ҳужжат кўтариб юрган Илҳомжон Усмоновни овораю сарсон қилди.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: хўжалик раҳбари Ғофир Амиров ва ер тузувчи Абдуғани Қаршиевлар “Буви Салима” фермер хўжалигига ер ажратиб бериш қонунан лозим эканини билишмайдими?

Албатта, улар буни билишмаган, деб бўлмайди. Гап косада эмас, нимкосада... Бунга “Қаерга борсанг ҳам ишинг фақат мен билан битади”, деган кечаги кундан қолган ақидадан ҳамон қутулаолмаётган Ғ. Амировга ўхшаган айрим мансабдорлар сабаб эмасми?

Албатта, қонун ҳамиша ўзининг қатъий сўзини айтади. У ўзини менсимаган, беписанд қараганларни асло кечирмайди.

Вилоят адлия бошқармаси тадбиркор И. Усмоновнинг манфаатини кўзлаб, Пастдарғом туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига даъво ариза киритди. Даъвони фермер хўжалигига ноқонуний равишда ажратиб берилмасдан келинаётган ер майдонини олиб беришлик ҳамда И.Усмоновга етказилган юз минг сўм маънавий зарарни амалдаги Фуқаролик Кодексининг 1021, 1022-моддалари тартибида жавобгарлар Ғ.Амиров ва А. Қаршиевлардан ундиришликка қаратди. Энди ер фермерга суд тартибида олиб берилади. Унга етказилган маънавий зарар жавобгарларнинг ҳамёнидан ундирилади.

Комил БАҲРИДДИНОВ,
Самарқанд вилояти



Савол беринг!

Уни хат ҳамда 133-70-65, 132-14-18 рақамли телефонлар орқали кутамиз.

Мен бир неча савол билан мурожаат қилмоқчиман:

2001 йил 19 сентябрда икки гектар ер олдим ва боғдорчилик қилиш мақсадида фермер хўжалиги ташкил этдим. Сўнгра ҳисоб варақам очилган Олот туман “Пахтабанк”ига ушбу масала юзасидан кредит олиш ҳақида ариза бердим. Аммо улар менга рад жавобини беришди. Шу тўғрими?

Шунингдек, Марказий Банк ва Молия вазирлигининг 2001 йил 14 сентябрдаги 203-В ва 108-сон қарори билан тасдиқланган “Тижорат банклари томонидан бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари орқали якка тартибдаги тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг (янги таҳрирдаги) IV боб, 37-бандида кредит маблағининг 50 фоизи нақд пул билан чорва моллари, кўчат, уруғлик сотиб олиш учун берилиши таъкидланган. Олот туман “Пахтабанк”и раҳбарида бундай кўрсатма йўқ экан. Улар менга фақат ҳисоб рақамимизда кўрсатилган кредит маблағи берилишини, ўтказилган маблағнинг ҳам 37 фоизини олган кундан бошлаб ҳар ойда тўлашим лозимлигини айтишди. Уларнинг бу гапи тўғрими?

Яна бир савол: фермер хўжалигининг фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш, мевали ниҳол, минерал ўғит ва чорва молларини сотиб олиш учун қаерга мурожаат қилишим керак?

Латиф АТАКОВ,
Бухоро вилояти Олот шаҳри

Мазкур саволларга ҳуқуқшунос Эркин АБДУЛЛАЕВ жавоб беради:

— Фермер хўжалигингизни ривожлантириш учун сўралган барча эҳтиёж молларини шундай маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхона ёки ташкилотлар билан шартнома асосида сотиб олиш мумкин. Бунинг учун вилоят ҳокимлигининг “Тадбиркорлар палатаси”га мурожаат қилиш талаб этилади. Чунки у ердан турли корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турлари, уларни шартнома асосида сотиш ёки сотиб олиш шартлари, ҳисоб-китоб муносабатлари тўғрисида ахборот олиш мумкин.

Кредит масаласи ҳақида айтадиган бўлсак, тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш учун банклар томонидан кичик кредитлар бериш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Марказий банкнинг қонуности актлари билан тартибга солинади. Кредитлар 18 фоиздан 25 фоизгача берилиб, 3 йилдан 5 йилгача муддат белгиланади. Кредит олиш учун банкка ариза, бизнес режа, бирор бир ташкилот ёки корхона номидан берилган кафолат хати, тўрт йиллик ҳисоб-китоб тақдим этилиши лозим. Банкда махсус эксперт комиссияси сиз тақдим этган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, кредит бериш ёки рад этиш масаласини ҳал қилади.

Агарда банк кредит олиш ҳақидаги аризангизни асоссиз рад қилган бўлса, судга мурожаат қилишингиз мумкин.

Ислоҳот довонлари

РАҲБАРЛАРГА ИККИ САВОЛ

Бугунги кунда чекка қишлоқ жойларда ер олиб фермер бўлай, банкдан қарз кўтариб, тадбиркорлик қилай, дея тадбиркорликни ният қилган кишилар баъзи бир сунъий тўсиқларига дучор бўлаётгани сир эмас.

Собиқ шўро тузумидан бизга ёмон бир иллат мерос бўлиб ўтган: амалдор биронта лавозим курсисини эгаллагач, дарҳол ўзидан пастдагиларга нисбатан тепадан қарайдиган бўлиб қолади. Оддий бир ҳужжатга ҳам қанча овора-ю, сарсончиликлардан кейин имзо чекади. Тўғри, ҳамма раҳбарларни шундай тоифадан деб бўлмайди. Балки ўша замонлардан қолган бу ярамас иллатлар ҳали бутунлай барҳам топмагани учун шундай тоифалдар яшаб келаётган бўлиши мумкин.

Президентимизнинг Сурхондарё вилоятида бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессияда сўзлаган нутқида ҳам худди шундай масалаларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Ҳар қандай раҳбар халқ берган амални суиистеъмол қилишга ҳаққи йўқ. У халқнинг оғирини енгил қилиш қайғуси билан яшамоғи лозим. Афсуски, баъзида бунинг тескариси ҳам учраб турибди. “Менга бир парча ер олишда ёрдамлашинг, ердан халққа ризқ-насиба улашай”, деган яхши ният қилган одамларга айрим хўжалик раҳбарлари сунъий тўсиқлар яратишмоқда. Мисол учун айтадиган бўлсак, Узун туман ҳокимининг 2001 йил 6 январда чиқарган 8-сонли қарорида Ж.Пирназаров номидаги ширкат хўжалик ҳудудида яшайдиган фуқаро Раҳмон Бобоевга фермер хўжалигини ташкил қилиш учун 10 гектар суғориладиган ер майдонини ажратиб бериш айтилган. Раҳмон Бобоев ҳокимнинг йил бошида чиқарган ана шу қарорини кўтариб ширкат хўжалиги бошқаруви раиси ҳузурига бўзчининг мокисидек қарийб тўққиз ой қатнаб чарчамади. Шундан кейин ҳам прокуратура аралашуви туфайли бўлажак фермернинг орзулари рўёбга чиқди. Олтинсой туманидаги “Отабек-Ш”, “Исоқбобо” фермер хўжаликлари худди шунақа сарсону саргардонликларни бошдан кечирган. Ўтган йили “Отабек-Ш” фермер хўжалиги етиштирган олма ҳосилини тумандаги “Мева ва сабзавот қуритиш” ҳиссадорлик жамиятига топширган. Бу ҳақда ўзаро шартномалар ҳам тузилган. Аммо қўли билан топширган маҳсулот ҳақини оёғи билан чопиб ҳам ололмай юрганига нима дейсиз? Иш шу билан тугадики, прокуратура аралашувидан кейингина вилоят хўжалик судига фермернинг ҳақини ундириб бериш тўғрисида даъво аризаси киритилди. Шунингдек, “Исоқбобо” фермер хўжалигининг ҳам 214260 сўмлик маблағини ундириш учун вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилди.

Бундан ташқари тумандаги “Хурсанд” ширкат хўжалиги ҳудудида ташкил қилинган “Шерзодбек-К” фермер хўжалигига ер ажратиб бериш пайсалга солинаётгани ҳақидаги ёзма мурожаати ҳам туман прокуратураси томонидан чуқур ўрганиб чиқилди ва натижада фермер хўжалигига 10 гектардан иборат сувли ер ажратилди.

Шу ўринда табиий бир савол туғилади: тадбиркорликка тўсиқ бўлиб, бу орада бир фермерларни сарсону саргардон қилиш шартмиди?

Ўтган йил давомида Узун туман прокуратурасининг аралашуви билан фермер ширкат хўжаликлари ололмай юрган 38 гектар ер майдони қонуний равишда фермерлар фойдасига ҳал қилинди. Сариосиё туманидаги “Нилуфар” фермер хўжалиги 2000-2001 йилларда етиштирган узум ҳосилини тумандаги “Шароб” ва “Саховат” ҳиссадорлик жамиятларига топшириб, қарийб икки йил ўз ҳақларини ололмай сарсон бўлишган. Бундай оворагарчиликлардан фермер хўжалиги қанча моддий зарар кўрганини кўз олдингизга келтириб кўринг. Мабодо, ўша ҳақ ўз вақтида фермер ҳисоб рақамига келиб тушганда, уни айлантириш, тўғрироғи, пулга-пул қўшиб, хўжаликнинг бошқа бирон бир етишмовчилиги ҳал қилинган бўларди. Фақат прокуратура ёрдами билан “Нилуфар” фермер хўжалиги шу йилнинг 6 феврал кунида 200 минг сўмлик қарзини ундириб олди. Бундай нохуш ҳолатлар фермерликни жадал ривожлантиришга жиддий тўсиқ бўлаётганини тан олмасдан иложимиз йўқ. Шу сабаб барча назоратчи органлар фермерлик фаолиятида учраб турадиган бундай иллатларга қарши кенг кўламда чора ва тадбирлар кўриши ижобий натижа беришини жамият олдидаги ўз бурчлари деб билмоқлари лозим.

Банкдан кредит олиш игна билан қудуқ қазишдек анча қийин бўлиб қолгани ҳам шундай муаммолар сирасига киради. Югур-югурлардан кейин бир даста ҳужжатни тайёрлаб олгач, банкка кредит олиш учун ариза берган бўлажак фермер ёки тадбиркорнинг узоқ муддат кутиб қолиши унга анча қимматга тушмоқда.

Узоққа бормайлик, бундан ўн йил илгари банк деган муассасани саноқли мутахассислардан ташқари деярли бошқа ҳеч ким билмасди. Тўғри-да, ишинг тушмагач, бундай ташкилотни билиш шарт ҳам эмас. Тонг отгандан то кун ботгунгача даласидан чиқмаган ёки кеча-кундузи билан чорвасини дашту биёбонда боқиб юрган чорвадорнинг банк билан неча пуллик иши бор дейсиз? Банк деганни эшитиб, унинг бўсағасидан ҳатламаган оддий касб эгалари бугун ана шу масканда елиб-югуриб юрганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бу эса тадбиркорлик ва фермерлик кундалик ҳаётимизга тобора чуқур кириб бораётганининг далолатидир. Бу яхши, албатта. Лекин кредит олиш ўз-ўзидан амалга ошаётгани йўқ. Келинг, яхшиси бир-иккита мисоллар билан танишиб ўтайлик. Олтинсойлик якка тадбиркор М.Қаюмов микрокредит сўраб, туман “Пахтабанк” бўлимига мурожаат қилди. Барча керакли ҳужжатларни тўғрилаб, энди ишим битди, дея банкка ташриф буюрди. Ҳолва дегани билан оғиз чучимас экан. Охири, туман прокуратураси аралашувидан сўнг фуқаро М.Қаюмовнинг бир йилу 6 ойлик муддатга 800 минг сўмлик кредит олиш масаласи ҳал қилинди. Жарқўрғон туман прокуратураси амалий ёрдам бергандан кейин “Семурғ” фермер хўжалиги туман “Тадбиркор” банк бўлимидан 675,0 минг сўмлик қарз олиши рўёбга чиқди. Музработлик “Шодмон” фермер хўжалиги бошлиғи К.Салимов 500 минг сўмлик қисқа муддатли кредит олиш учун анча овора бўлди. Фақат туман прокуратурасининг амалий ёрдами туфайли фермер ушбу кредитни олишга муваффақ бўлди. Бандихон туманидаги зардўзлик кичик корхонаси бошлиғи О.Одилова корхона фаолиятини ривожлантириш учун туман “Пахтабанк”идан 2 миллион сўмлик кредит сўраб ёзган аризаси кўп ойлар чанг босиб ётган. Тадбиркорнинг прокуратурага қилган мурожаатидан сўнг ўтказилган текширувда О.Одилованинг кредит сўраб ёзган аризаси ўтган йилнинг май ойида банк томонидан рўйхатга олинган. 2001 йил 23 августга қадар вилоят “Пахтабанк” раҳбариятига мурожаат этган. Аммо банк мутахассислари тадбиркорга кредит олиш учун гаровга қўйиш мол-мулки тўғрисида етарлича маслаҳат ва тушунтиришлар бермаганлиги сабабли О.Одилова анча вақт банкка қатнаб сарсон бўлган. Фақат 2001 йилнинг охири 25 декабр куни туман прокуратурасининг аралашувидан сўнг “Дилафруз” хусусий кичик корхонаси бошлиғи О.Одилова “Пахтабанк”нинг туман бўлими орқали 700 минг сўмлик кредит олишга эришди. Худди шундай кредит олишдаги талаблар етарлича тушунтирилмаслиги оқибатида фуқаро А.Абдуназаров банкдан кредит олишда керакли ва талаб қилинадиган ҳужжатларни расмийлаштиролмай анчагина овора бўлган. Бунда ҳам прокуратура аралашувидан кейин фуқаро А.Абдуназаров туман банкидан бир миллион сўмлик кредит олди. Шу ўринда яна бир ҳақиқатни алоҳида таъкидламоқ лозим. Кўп ҳолларда банклардан олинадиган қарзлар белгиланган муддатларда қайтарилмаслиги, фоизларнинг ўз вақтида тўланмаслиги банклар фаолиятига салбий таъсир этаётганини ҳам тан олиш керак. Баъзан кредит олган тадбиркорни иши битганидан кейин осмондан, ердан ҳам қидириб топиш қийин. Оқибатда эса қарз ўз вақтида қайтарилмагач, банкларнинг навбатда турган тадбиркор ёки фермерга кредит бериш имконияти чегараланиб қолади. Олиш осон, бермоқ қийин, деган нақл бор. Қарзни эса қиёматда ҳам сўрайдилар. Шу сабаб кредит олишдан олдин уни қайтаришни ҳам олдиндан ўйлаш керак.

Баён этилган ҳодисалар таҳлили шундай ҳақли саволни келтириб чиқаради: прокуратурани аралаштирмасдан ушбу масалани ҳал қилиш шунчалар қийинми?

Буёғи энди мутасадди раҳбарлар эътиборига ҳавола.

Собир ЁДИКОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

Бухоро: қалъа дарвозаси

Қонун ижодкорлиги

ҲИМОЯ ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШ

ТЕГИШЛИ ҚОНУНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ

Жамиятда ҳуқуқий муносабатлар изчил қарор топа боргани сари қонунчиликда ҳам такомиллашишга эҳтиёж сезилади. Бу ҳол қонун ижодкорлиги муттасил давом этувчи жараён эканининг далолатидир. Ҳозирда мамлакатимизда кўплаб қонунлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда. Шунингдек, олдин қабул қилинган айрим қонунларга ўзгартиришлар киритилмоқда. Таҳририят қонунчилик соҳасидаги янгиликлар ҳамда унга тегишли бўлган янги таклифлар, фикр ва муносабатларни ёритиб бориш мақсадида янги рукн ташкиллаштирди.

Қуйида айрим қонунларни янгилашга оид дастлабки таклиф ва мулоҳазалар билан танишасиз.

“Судлар тўғрисида”ги (янги таҳрир) Қонуннинг 10-моддасида ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш ва айбсизлик презумпцияси кўрсатилган. Мазкур модданинг 1-қисмида “Айбланувчи, судланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади. Суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади”, дея таъкидланган. Демак, судланувчи нафақат биринчи инстанция, апелляция, кассация босқичлари судларида, балки назорат инстанция судларида ҳам ҳимоячи иштироки билан таъминланади. Гарчи Жиноят-процессуал Кодексининг янги таҳрирдаги 497-моддаси 4-қисмида “Маҳкум, оқланган шахс, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакиллари, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ҳамда уларнинг вакиллари ишни апелляция инстанциясида кўриш чоғида иштирок этишга ҳақлидир. Мазкур шахслар ишни кассация ва назорат тартибида кўриш чоғида ҳам иштирок этишга ҳақлидир, жазони ижро этиш муассасасидаги маҳкум мустасно”, дея қайд этилган бўлса-да, амалдаги назорат тартибида иш кўрилаётган босқичда аксарият ҳолларда адвокатлик ордери тақдим қилинганда ҳам ҳимоячи иштирок этмайди. Чунки мазкур ҳуқуқий меъёр ҳимоячининг суд босқичига иштирок этишга (балки шарт эмас) ҳақли эканини белгилагани боис адвокатни таклиф этиш ёки этмаслик масаласини суднинг ихтиёрига ҳавола қилган. Бизнингча, ушбу номутаносибликни бартараф этиш мақсадида мазкур моддага “агар адвокат суднинг назорат босқичида иштирок этиш учун ҳимоячилик ордерини тақдим қилган бўлса, суд унинг иштирокини таъминлаши шарт”лигини назарда тутувчи ҳолатлар ҳуқуқий меъёр сифатида киритилиши зарур.

Жиноят-процессуал Кодекснинг 53-моддаси ва ҳимоя вазифаси билан боғлиқ бўлган адвокатнинг процессуал ҳаракатларини белгилаб берувчи барча ҳуқуқий меъёрларда ҳимоячи ҳуқуқларининг бири сифатида “илтимоснома бериш” жумласи кўрсатилган. Назаримизда, мазкур жумла русча “ходатайство” сўзининг ғализроқ таржимаси бўлиб, адвокатнинг процессуал ҳуқуқлари мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб беролмайди. Чунки ҳимоячи бузилган ҳуқуқни тиклаш, бартараф этиш, рад этиш, учрашувга тасдиқ хатини олиш каби касбий ваколатига кирувчи процессуал вазифаларни бажариш борасида илтимос қилиш керак эмас, у оддий хусусий шахс сифатида эмас, балки процессуал ваколатга эга бўлган шахс сифатида жиноят ишида иштирок этади. Бинобарин, адвокат шахсий манфаатларини ҳимоя қилмайди, балки давлат томонидан унга юклатилган конституцион вазифани бажаради. Шу боис ҳимоячи илтимос қилиши керак эмас. Бизнингча, илтимоснома сўзини талабнома сўзи билан алмаштириш лозим.

Адвокатлик амалиётини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, айбланувчининг дастлабки терговдаги ҳимоя ҳуқуқи қўпол равишда бузилиб, у ҳимоя ҳуқуқидан терговнинг бошланишиданоқ “қонуний” асосда маҳрум қилинади. Бу ҳолнинг рўй беришига амалдаги жиноят процессуал меъёрларда айрим хатоларнинг мавжудлиги сабаб бўлмоқда. Мазкур ҳолатларни асослаш учун амалиётга мурожаат этамиз. Тергов амалиётида гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқидан ўз вақтида фойдалана олмаслиги учун антиқа “усул” ўйлаб топилган. Яъни гумон қилинувчи ва айбланувчи тергов мобайнида гувоҳ сифатида сўроқ қилиниб келинади ва тергов муддати тугашига 2-3 кун қолганда ушбу “гувоҳ”га ҳам айб эълон қилиниб, дастлабки тергов тамом бўлгани муносабати билан иш материаллари танишиш учун тақдим этилади-да, баъзида бунга ҳимоячи ҳам қатнаштирилади, сўнг қамоққа олиниб, иш материаллари судга жўнатиб юборилади. Бундай ҳолларда айбланувчи ва унинг адвокати фаол ҳимоя позициясидан туриб иш ҳолатларига таъсир ўтказа олмайди. Мазкур ҳолатнинг яна бир ғайриоддий томони шундаки, мазкур шахс ўзига қарши кўргазма беришга мажбур, чунки у кўргазма беришдан бош тортгани ёки ёлғон кўргазма бергани учун Жиноят Кодексининг 240 ва 238-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Тергов амалиётида мунтазам учрайдиган ҳимоя ҳуқуқининг бундай кўринишдаги бузилиши шўро даврида шаклланган бўлиб, у ҳали батамом барҳам топган эмас. Бундай ҳолатларнинг мавжудлиги амалиётчилар томонидан кейинги йилларда илмий адабиёт ва оммавий ахборот воситаларида тез-тез ёритилмоқда.

Бизнингча, тергов амалиётидаги бу каби ҳолатларга барҳам бериш мақсадида Жиноят-процессуал Кодексига гувоҳ келажакда айбланувчи сифатида сўроқ қилиниши учун жиддий асослар мавжуд бўлса, у ҳолда гувоҳ сифатида кўрсатма талаб қилиши мумкин эмаслиги ҳақидаги ҳолатларни акс эттирувчи ҳуқуқий меъёрлар киритилиши зарур.

Шунингдек, ЖПК 404-моддасининг мазмунидан ишни судда кўриш учун тайёрлов босқичда суднинг жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш ва ишни тугатиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят бериш ҳамда протест билдириш мумкинлиги англашилишини назарда тутиб, ЖПК 395-моддасининг биринчи қисмига қўшимча равишда “жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш” ҳақидаги 4-банд билан тўлдириш зарур, деб ҳисоблаймиз. Бу тадбир ҳимоя ҳуқуқини таъминлашга қаратилган қонунчиликни либераллаштириш борасида суд ҳокимиятининг амалдаги мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади. Шу боис судлар томонидан кўриб чиқилаётган жиноий ишлар бўйича қатъий тарзда ё оқлов ёки қоралов ҳукми чиқарилишига эришиш учун ишни қўшимча терговга қайтариш амалиётига барҳам бериб, тегишли қонунларга ўзгартиришлар киритиш зарур. Ана шундагина айбсиз фуқароларга нисбатан қўзғатилган жиноят ишларига суд оқлов ҳукми чиқармасдан ишни асоссиз қўшимча терговга қайтариш ва кейинчалик тергов органлари томонидан ишни бекор қилиш ёки баъзи ҳолатларда ишлар бир неча марта қўшимча терговга қайтариш оқибатида фуқароларнинг суд-тергов идоралари орасида йиллаб саргардон бўлишига чек қўйилади.

Ҳимоя ҳуқуқини таъминлашда суд мажлисида юритиладиган баённомаларнинг тўғри ва ҳаққоний тўлдирилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки суд мажлисининг баённомаси судланувчи ва унинг ҳимоячиси суд чиқарган ҳукм ёхуд ажримлар суд мажлисида аниқланган ҳолатларнинг ифодаси маҳсули эмаслигини исботлаш мумкин бўлган воситадир. Айрим ҳолларда суд мажлисининг баённомалари ҳукмга мослаб мувофиқлаштирилади ёки бошқача тарзда қалбакилаштирилади ва шундан кейингина ҳимоя томонга танишиб чиқиш учун берилади. Бундай ҳолатда адвокатнинг ҳақли эътирози албатта рад этилади. Бу каби ноқонуний ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида ЖПКнинг 426-моддаси 6-қисмидаги “Суд муҳокамаси чоғидаги сўроқ қилишлар, овоз ёзиш, видео ёзув ёки кинотасвирга олиш воситаларида акс эттирилиши мумкин” деган жумла “Суд муҳокамаси чоғида сўроқ қилишлар овоз ёзиш воситаларида ёзиб олинади, шунингдек, видеоёзув ёки кинотасвирга олиш воситаларида акс эттириш мумкин” деб ўзгартирилиши лозим. Бу ҳол суд мажлиси баённомасига билдирилган эътирозларнинг нечоғлик асосли эканини текшириш имкониятини беради ҳамда муҳим процессуал ҳужжат ҳисобланмиш суд мажлиси баённомасининг сифатини жиддий оширишга ва ҳаққонийлигини таъминлашга хизмат қилади.

Баҳром САЛОМОВ,
ТДЮИ докторанти

Митти маслаҳат

Рукн учун масъул: ҳуқуқшунос Т. ҚОРЁҒДИЕВ

ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАШ ТАРТИБИ

Конституциямизга кўра, мамлакатни мудофаа қилиш — давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири саналади.

Республикамизда ҳарбий хизматни ўташ — 1992 йил 3 июлда Олий Кенгаш томонидан тасдиқланган **“Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”, “Мудофаа тўғрисида”, “Муқобил хизмат тўғрисида”**ги Қонунлар орқали амалга оширилади.

“Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонуннинг 15-моддасига биноан тинчлик вақтида саломатлигига кўра ҳарбий хизматга яроқли бўлган ва чақирув куни 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмиш йигитлар муддатли ҳарбий хизматга чақирилади.

Ҳарбий хизмат муддатлари аскар, сержант ва старшиналар учун: хизматни чақирувга биноан ўтаётганларга 18 ой (олий маълумотли шахслар учун 12 ой), биринчи битимга биноан ўтаётганларга 3 йил. Республикамизнинг 18 ёшдан 27 ёшгача бўлган, ҳарбий ҳисобда турадиган, муддатли ҳарбий хизматга чақирилиши лозим бўлган фуқаролари, башарти улар:

1. Хизматга чақирилаётган шахсдан ташқари 16 ёшга тўлмаган 4 ва ундан ортиқ болали оиладан бўлса;

2. Ҳарбий хизматни ўташ даврида ногирон бўлиб қолган ота-онаси ёки ака-ука (опа-сингил)лари бўлса.

Муқобил хизматни ўтаётган шахслар муқобил хизмат хизматчилари деб аталади. Муқобил хизмат муддати 24 ой, олий маълумотли фуқаролар учун 18 ойдир. Республикамиз фуқаролари муассасалари, халқ хўжалиги ташкилотларида ўтайдилар.

Муқобил хизмат ўтаётган фуқароларга иш ҳақининг 80 фоизи тўланади. Иш ҳақининг қолган 20 фоизи муқобил хизмат бошқарув идораларининг ҳисобига ўтказилади. Баъзида муқобил хизматда юрган фуқароларнинг баъзи бир ўқув юртларига ўқишга кирганликлари ҳақида маълумотлар учраб туради. Ваҳоланки, муқобил хизматни ўтаётган фуқаро, олий ва ўрта махсус билим юртларига ўқишга кириш ҳуқуқига эга эмас. Агарда бунга йўл қўйилса, қонун йўли билан жавобгарлик аломатлари юзага келади.

Биз юқорида ҳарбий хизматни ўташ тартиби ҳақида қисқача тўхталиб ўтдик. Имконият даражасида халқимизнинг ҳарбий мажбурият тўғрисидаги билимларини бойитишига ҳаракат қилдик.

Энг асосий мақсадимиз — Ўзбекистон Республикасини ташқаридан бўладиган куролли тажовуздан ҳимоя қилиш республикамиз фуқароларининг Конституциявий бурчлари эканлигини яна бир карра эслатишдир. Зеро, мустақилликка эришган ҳар бир мамлакат кучли мудофаа тизими, соғлом аскарлари, онгли ва тафаккури юксак фуқаролари билан ўз куч-қудратини намоён қилмоғи шартдир.

Ҳуқуқий маърифат

ИЗҚУВАРЛИК ТАДБИРЛАРИ

Инсон зоти борки, нафс балоси уни доимо безовта қилиб туради, ўзганинг мол-мулкига тажовуз қилишга ундайди ва натижада ўша инсон ўзининг инсоний қиёфасидан бутунлай айрилганини сезмай қолади. Хусусан, босқинчилик ва талончилик деганда, давлат ёки бирон шахсга тегишли мулкни зўрлик, зўравонлик йўли ёки қўрқитиш билан ўзлаштириш ва ундан фойдаланиш тушунилади.

Ушбу жиноятлар назорат остига олинган бир қанча объект ёки шахсларга зарар етказилиши мумкин. Ушбу ҳолат бу жиноятларнинг ўта хавфли ва уларни тергов қилишнинг анча мураккаб эканига далолат беради.

Шу ўринда ушбу жиноятлар содир этилгандан кейин жиноий иш қўзғаш усули ҳам жуда эҳтиёткорлик ва ҳушёрликни талаб қилишини унутмаслик керак. Энг аввало, босқинчилик ёки талончилик жиноятларини тергов қилишда аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар шартли равишда аниқлаб олинса, жиноятчи яширган изларни қидириб топиш осон кўчади.

Биринчи тадбир босқинчилик ёки талончилик содир этилган вақт, жой ва шарт-шароит ҳамда ҳолатлар пухта, ҳар томонлама ўрганилади. Шундан кейин эса жиноятни содир этиш усули, жисмоний ёхуд психологик зўрлик ишлатилганми ёки йўқми, булар нимада ўз ифодасини топгани хусусидаги маълумотлар тўпланади.

Шунингдек, жиноят пайтида босқинчининг қуроли бўлганми ёки йўқми, агар қурол ишлатилган бўлса, қуролнинг тури ва тавсифи, техник воситалардан фойдаланилган бўлса, техник воситалар ва уларнинг белгилари бирма-бир аниқлаб олиниши керак. Бундан ташқари, жиноятчи жиноятни яшириш учун бирон-бир ниқоб фойдаланганми, яъни ташқи қиёфасини жиноят изларини йўқ қилиш ёки бошқа жиноятни яшириш мақсадида қилинган хатти-ҳаракатлар ҳам эътибордан четда қолмаслиги лозим.

Босқинчилик ёки талончилик жинояти кимга нисбатан содир этилгани, жабрланувчига тан жароҳати етказилгани, мабодо етказилган бўлса қай даражада экани алоҳида аҳамият касб этади.

ТАЛОНЧИЛИК

Талончилик, яъни ўзганинг мулкини очиқдан-очиқ талон-тарож қилиш-уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Талончилик:

а) ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб;

б) анча миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, мол-мулк мусодара қилиниб, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(Ўзбекистон Республикаси 1997 йил 30 август қонун таҳририда - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 241-модда).

Талончилик:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) уй-жойга, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб;

в) кўп миқдорда содир этилган бўлса, мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Талончилик:

а) жуда кўп миқдорда;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, мол-мулк мусодара қилиниб, ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ЖКнинг 166-моддаси

Хуллас, жиноятчи томонидан шошилинч пайт қолдирган ҳар қандай белги-изларни кўздан кечириши жиноятнинг чувалган ипини қўлга киритишда ёрдам бериши мумкин.

Юқоридаги ҳолатлар ҳамда йиғилган далиллардан келиб чиқиб, жиноят ишини юритувчи шахс терговнинг бориш жараёнини режалаштириб олмоғи лозим. Босқинчилик ва талончилик жиноятларини тергов қилишни режалаштиришда жабрланувчи (гувоҳлар)ни сўроқ қилиш ва ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришдан олинган маълумотларга таянган ҳолда тузилади. Чунки жиноят содир этган шахс ҳақидаги маълумотлар жабрланувчи, гувоҳ ва ҳодиса содир бўлган жойдан тўғридан-тўғри олинади. Бу эса ишнинг кейинги қисмини режалаштириб олишда асос бўлиб хизмат қилади. Шу ўринда энг аввало иш юзасидан шубҳа уйғотувчи шахс тўғрисида бирон-бир маълумот бор-йўқлигини аниқлаб олиш зарур.

Тергов жараёни шуни кўрсатадики, ушбу турдаги жиноятларни тергов қилишда кўп ҳолларда жиноят содир этган шахсни воқеа содир бўлган жойда ушлаш мумкин бўлмайди. Бу эса терговни қай тарзда олиб боришда бирмунча қийинчилик туғдиради, иш юзасидан тартибсизликларни келтириб чиқаради.

Шубҳа остига олинган шахснинг олдин худди шунга ўхшаш жиноятга қўл ургани туфайли судланган ёки бошқа оғир жиноятларни (одам ўлдириш, номусга тегиш, безорилик) содир этганини қаттиқ текшириб кўриш лозим бўлади. Шундан кейин эса жиноят рўй бериш пайтдан олдин у қандай иш билан машғул бўлганлиги ўрганилади.

Жиноят давомида жабрланган шахс жиноятчининг ташқи қиёфа белгиларини эсласа, дарҳол мутахассис томонидан фоторобот орқали кўпайтирилади ва оператив қидирув ходимлари ушбу фоторобот билан таъминланмоғи лозим.

Босқинчилик ва талончилик оғир жиноят тури ҳисоблангани боис терговчи жуда зийрак, ҳушёр ва ҳар бир майда белги ёки изини жуда синчковлик билан текширишда эришмайдиган киши бўлмоғи керак. Бу тадбирлар жиноятчини қидириб топишда енгиллик туғдирса, иккинчидан айбдор шахсларни осонлик билан тавбасига иқрор қилдиради.

Азимжон БАРОТОВ,
тадқиқотчи

“БОҒ ЯРАТМОҚЧИ ЭДИМ...”

Бир пайтлар Турсунбой Латипов номидаги жамоа хўжалиги ҳудудида 16 гектарли олмазор барпо этилган эди. Аммо бугунги кунда мазкур боғ мевалари бозор талабларига жавоб бермай қолди. Қолаверса, “Жанатан”, “Пушти”, “Белиналева” ва бошқа кам самарали, нордон олмаларни шарбат қиладиган ишлаб чиқариш корхоналари камайиб кетган. Мен бу ҳақда хўжалигимиз маъмуриятига мурожаат қилиб, бозоргир, тезпишар, ширин ва қишда сақлаш қулай бўлган кўчатлар билан янгилаш лойиҳасини хўжалик раҳбари Т.Турсунмуродовга кўрсатдим. Бу лойиҳа арзон, пайвандлаш, пархешлаш ва янги кўчатлар экиш йўли билан экологик жиҳатдан қулай усулда кўчат етиштиришдан иборат эди. Аммо хўжалик раҳбари буни маъқулламади. Мен лойиҳани туман ҳокимиятига тақдим этдим. Ҳокимнинг ўша пайтдаги муовини Т.Маъмуров бу ишнинг фойдали эканини таъкидлаб, ижобий фикр билдирди. Шу билан бирга хўжалик раҳбарига бу лойиҳани қўллаб-қувватлаш ҳақида хат ёзиб берди. Раис бунга ҳам эътибор қилмади ва ижарачилар билан келиша олмай боғни тортиб олди. У ўтган йилнинг март ойида шартномани ғайриқонуний тарзда бузганини англаб, боғни ижарачиларга қайтарди. Ачинарлиси, хўжалик боғида ташкил қилинган боғ бригадаси ишчилари ўша пайтда бир йиллик меҳнатим самараси бўлган пархеш усулдаги кўчатларимни бутаб юборган экан. Натижада ишни қайтадан бошладим ва лойиҳани яна раис муҳокамасига бериб, уни амалга ошириш мақсадида ижарамдаги боғни фермер хўжалиги қилиб бериш учун ариза ёздим. Т.Турсунмуродов “боғ бу усулда берилмайди” дегач, лойиҳани яна туман ҳокимиятига тақдим қилдим. Ҳоким муовини О.Саидов лойиҳа билан танишиб чиққач, бу ишнинг фойдали эканини айтиб, “ерингизни беришади” деди ва туман агросаноат бирлашмасига йўлланма берди. Бирлашма вакили А.Бекмуродов ҳам режамни маъқуллади. Шундан сўнг икки ой ўтгач, билдимки, раис яна ариза-лойиҳамни қўлламабди. Хўжалик раҳбарига учрашганимда у киши фермер бўлиш учун ижарачи эмас, хўжалик аъзоси бўлишим лозимлигини рўкач қилди. Мен ўттиз йилдан буён хўжаликдан ер олиб ишлаб келганман. Фақат сўнгги икки йилда ишламаганман, холос. Т.Турсунмуродов яна бир сабаб қилиб “фермер бўлиш учун ёзган аризангизни мажлис маъқулламади”, деган гапни айтди. Ваҳоланки, у бир неча шахсларнинг фермер бўлиш учун берган аризаларини умумий мажлиссиз ҳам ҳужжатлаштирди. Мен хўжалигимиздаги айрим фермер хўжаликлари ерларининг умри бекорга ўтаётганидан афсусланаман.

Ҳурматли таҳририят! “Отангга бор, онангга бор”, қабилидаги ҳаракатларга чек қўйилишида сизлардан ёрдам кутаман.

Муҳаммад ТУРСУНБОЕВ,
Сирдарё вилояти, Боёвут тумани

Таҳрирсиз мактублар

"МЕН НЕГА ИШДАН ОЛИНДИМ?"

1995 йилнинг август ойида Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Б.Насриддинов вилоят ҳокимиятининг котибияти бошлиғи лавозимига ишга ўтди. Орадан олти ой ўтгач, унинг ўрнига мени тайинлашди. Лекин орадан бир йил ҳам ўтмасдан, яъни 1996 йилнинг 12 декабр куни ишхонамизга вилоят ҳокимиятининг кадрлар ва ташкилий ишлар бўлими бошлиғи Б.Сон, вилоят ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича муовини А.Ҳайдаров, котибият бошлиғи Б.Насриддинов келиб, бошқарма ходимларини йиғишди ва яна тажрибали раҳбар, моҳир ташкилотчи сифатида бу ерга бошлиқ этиб тайинланганлигини эълон қилишди.

Шу тариқа республика халқ таълими аълочиси унвони соҳиби ишсиз қолди. Олдин ишлаб келган жойим— Навоий шаҳар халқ таълими бўлимига қайтариш тугул касбимга оид бирор бир иш ҳам таклиф этилмади. Боз устига, 1997 йилга келиб Навоий шаҳар халқ таълими бўлимида давлат таълим стандартлари бўйича инспекторлика ишга ўтсам, шаҳар халқ таълими бўлимининг ўша пайтдаги мудири С.Ушаков бу ерда ишлашингга Б.Насриддинов розилик бермаяпти" деган важ билан яна бўшатиб юборди. Шундан сўнг Вазирлар Маҳкамасига ариза билан мурожаат этдим. Ниҳоят, кечки мактабга ишга тайинлашди. Кейинчалик Навоий шаҳар ҳокими ҳузурига чақириб, янги ишга туширилаётган мактабга директор бўлишни таклиф этди. Ҳозирги кунда шу мактабда директорман. Мактаб тўла кўриб битказилмаган бўлса-да, тўлақонли фаолият кўрсатиб турибди.

Энди асосий муддаога ўтсам. Мен мансаб талашмоқчи эмасман. Бу ўринда мен бошқа бир масала хусусида сўзламоқчиман.

Мени агрономлик маълумоти билан ўзини қайта-қайта таълим соҳасига урган, охири пора билан қўлга тушиб, панжара ортига равона бўлган Б.Насриддинов ва 24 миллион сўмлик давлат маблағини ўзлаштиришга "раҳбарлик" қилган С.Ушаков каби кимсалар ноҳақ ишдан бўшатишди. Улар туфайли қадрим топталди, номим ёмонотлиқ бўлди. Чунки мансаб масаласини соқит қилганда ҳам кўп йиллик меҳнатим эвазига эларо орттирган обрўйим ва хизматларимга жуда-жуда ачинаман. Қолаверса, бу дунёда инсоний қадр-қиммат ва ғурур деган тушунчалар ҳали йўқолмаган-ку?

Яхшилаб ўйлаб кўрсак, инсон ҳаёт йўли ғоят қисқа фурсатдан иборат экани аён бўлади. Шундай қисқа ҳаёти бировлар томонидан ноҳақ азобланса, инсон қандай йўл тутиши керак? Моддий зарар ўз йўлига, аммо маънавий зарарни ким тўлайди?

Умуман, бундай ҳолатда эгилган ҳақиқат қачон ростланади?

Таҳририятдан маслаҳат ва кўмак сўраб,

Абдуғани САЪДИНОВ,
Навоий шаҳридаги 7-умумий ўрта таълим мактаби директори

ТАҲРИРИЯТДАН:
Ҳуқуқий демократик жамияти сари дадил қадам қўяётган мамлакатимизда инсон омили ҳамма нарсадан устун. Ўйлаймизки, Республика халқ таълими вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар баён этилган масалага эътибор қаратади ва кўрилган чора-тадбирлар хусусида таҳририятни хабардор қилади.

Диққат, янги рукн: фалсафа ва қонун

КОНФУЦИЙЛИК ВА ҲУҚУҚ

Муҳтарам ўқувчи!

Агар дунё тараққиёт тарихига назар ташласак, одамзот боласи томонидан яратилган ҳар қандай қонун энг аввало, маълум бир фалсафага асосланганлигига гувоҳ бўламиз. Заковатли зотлар ҳамиша тафаккур қудрати билан инсониятни эзгулик сари бошлаб келган. Уларнинг ақл закоси ҳаётнинг, инсоннинг кечмиш йўлини белгилаб берган.

Бунинг устига қонуннинг чуқур мантиқ, мукаммал фалсафага асосланиши унинг умрбоқийлигини таъминлаган, албатта.

Конфуций, Арасту, Фаробий, Паскаль, Кант, Фрейд, Фромм каби донишмандларнинг таълимотлари ўз даврида етакчи аҳамият касб этиб қолмай, мавжуд қонунчиликка ҳам таъсир кўрсатган, албатта.

Шу маънода, биз дунё донишмандлари, улар яратган таълимотнинг қонунчилик, умуман айтганда, ҳаётнинг йўригига таъсири ҳақида ҳикоя қилишни лозим топдик.

Қуйида ана шундай донишмандлардан бири Конфуций таълимоти, унинг қонунчиликка таъсири хусусидаги лавҳани эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Қадимги Хитой ҳуқуқий тизимининг шаклланишида бир-бирига қарама-қарши бўлган икки фалсафий диний-ҳуқуқий таълимот — конфуцийлик ва легизм ўртасидаги ғоявий кураш жуда катта аҳамият касб этган. Бу пайтда конфуцийликнинг ахлоқий-сиёсий, диний ақидалари ва легизмнинг сиёсий-ҳуқуқий концепцияси ҳал қилувчи омил вазифасини ўтаган. Мазкур омиллар жамият ҳаётини "оқиллик" ва "адолатлилик" асосида ташкил этишга қаратилган. Лекин бу таълимотлар "оқил" ва "адолатли" жамият тушунчаларини ҳар хил талқин этган. Бу эса улар ўртасидаги охир-оқибатда кескин курашни келтириб чиқарган.

Қадимги Хитой ҳуқуқини ривожланишида учта босқични ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчи босқич Шань (Инь) ва қадимги Чжоу даврига тўғри келиб, бу даврда Хитойда ижтимоий муносабатларни тартибга солишда одоб-ахлоқ меъёрлари муҳим ўрин тутган. Уларда Хитой жамияти аъзолари билан ҳукмдор доиралар ўртасидаги муносабатлар ва ички оилавий муносабатлар акс этган. Бундай меъёрлар ота-оналарни, катталарни ҳурмат қилиш, аслзодалар олдида таъзим бажо келтириш, ҳукмдорга садоқатли бўлиш руҳи билан суғорилган.

Бу вақтда ҳуқуқий меъёрлар динийахлоқий меъёрлардан ажратилмаган, аксинча улар билан бирга қўлланилган. Шу билан бирга ҳукмдор, унинг яқинлари ва мартабали амалдорларнинг фармойишлари катта аҳамиятга эга бўлган.

Милоддан аввалги VI асрда Хитойда Конфуций таълимоти вужудга келган. Конфуцийлик асосини уйғунлик ғояси ташкил этган. Конфуцийлик уйғунликни ва умумий космоногик тартиб ва дунёнинг мувозанатининг асосий шарти деб билади. Бу ғоя ўз ичига одам ва табиат ўртасидаги уйғунлик баробарида одамнинг "табиий тартибга", яъни яхши фазилатлар ва ахлоқ-одобга мос келиши лозим бўлган юриш-туришида ифодаланадиган уйғунликни ҳам қамраб олади.

Конфуцийликда адолатли тартибни ушлаб туриш воситаси деб қонун эмас, балки анъаналарга, ахлоқ-одоб меъёрларига риоя этиш белгиланган. Конфуцийлик таълимотига асосан "Оллоҳнинг амри" билан тузилган уйғун жамият — гуруҳлар йиғиндиси ҳар бири ўзига ажратилган вазифаларни имкон даражада амалга ошириши учун муайян ижтимоий ва ҳуқуқий шароитга эга бўлиши лозим. Бундай бирлашманинг асосий ғояси — фарзандларча муҳаббат, катталар ва мансаби бўйича юқори турувчиларни ҳурмат қилиш каби хусусиятлар ҳисобланган.

Қадимги Хитой ҳуқуқи тараққиётининг 2-босқичида, яъни Чжаньго давридан (милоддан аввалги V-III аср) бошлаб мунтазам жазо тизимига эга бўлган ҳуқуқнинг аҳамияти кучайган. Бу даврда легизмнинг энг ёрқин вакили Шан Ян томонидан халқ ва давлатни бошқариш ҳақидаги легистларнинг мукаммал таълимоти яратилган. Шан Ян ҳукмдорнинг мутлақ ҳокимиятини ёқлаб чиққан. Унинг назидида, ҳукмдор қаттиқ ўрнатилган, муҳокама қилинмайдиган қонунлар ёрдамида барча фуқароларнинг ҳаётини белгилаш лозим.

Легизм тарафдорлари одамларнинг қаттиқ жазолар доирасидан ташқарида яшаши бефойдалиги ва мумкин эмаслиги ҳақидаги ғояларини тарғиб қилишган. Улар "яхши бошқарув"ни таъминлайдиган эҳтиёт чораси ва жамоавий жавобгарлик заруратидан келиб чиққан, жазо чораси ҳамда содир этилган жиноятнинг оғирлиги ўртасида қандайдир боғлиқлик бўлишини тан олишдан воз кечишган. Уларнинг фикрича, ҳатто подшонинг буйруқларини озгина бўлса-да, бузиш учун ҳам оғир жазо тайинлаш лозим. Легизим тарафдорлари қонун олдида ўзига хос "тенглик", содир этилган ҳар бир жиноят учун жазонинг муқаррарлигини тарғиб этиб, кучли марказлашган ҳокимиятни мустаҳкамлаш шиори остида зодагонлар, турли князликларнинг чиновникларини эски уруғчилик имтиёзларидан маҳрум этишга ҳаракат қилишган.

Милоддан аввалги III асрнинг 2-ярмида қадимги Хитой ҳуқуқининг анъанавий белгилари ва институтларининг қарор топишига туртки берган икки мафкуранинг қарама-қарши кураши жуда кескинлашган. Легизм биринчи Хитой империяси — Цинь давлатининг (милоддан аввалги 221-207 йиллар) расмий мафкураси бўлиб қолган. Легизм тарафдорлари ҳокимият тепасига келгач, ўз ҳуқуқий қарашларини ҳаётга татбиқ этган ва конфуцийликка қарши аёвсиз кураш олиб боришган. Улар конфуцийлик таълимоти зикр этилган барча китобларни йўқ қилишган.

Аммо Хан сулоласи ҳокимиятни ўз қўлига олиши билан қадимги Хитой ҳуқуқининг ташкил топишидаги охирги 3-босқич (милоддан аввалги III аср — милоднинг III асри), яъни конфуцийлик таълимоти расман ғалаба қилган босқич бошланган. Бунинг устига айни даврда легизм ва конфуцияликнинг қўшилиб кетиши натижасида янги таълимот — Ортодоксал Хань конфуцийчилиги юзага келган. Бу таълимот илгари сурган асосий ғоя — ўша вақтда тўпланган билимлар асосида мавжуд ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузумни қадимги Хитой жамиятининг яшаши ва сақланиб қолиши мақсадларига тўлиқ жавоб берадиган маъқул ва оқилона тузум сифатида оқлаш ҳамда абадийлаштиришдан иборат эди. Шуни айтиш керакки, Ортодоксал конфуцийлик қонунни, қаттиқ жазоларни рад этмаган, у қаттиққўллик ва шафқатсизлик бирга қўшиб олиб борилишини назарда тутган. Демак, ахлоқ ва ҳуқуқнинг уйғунлиги таъминланган. Ахлоқ юриш-туриш, хулқ-атвор андозасини белгилаган, ҳуқуқ эса жазолар ёрдамида ундан бўйин товлашни тақиқлаган.

Маълумотларга қараганда, биринчи ёзма қонунлар Хитойда Шань давлатида пайдо бўлган. Қадимги даврлардаёқ Хитой подшолари томонидан чиқарилган қонун ва фармойишларнинг тобора кўпайиб бориши ҳуқуқда қарама-қарши меъёрларни келтириб чиқарган. Оқибатда ҳуқуқни кодификация қилиш зарурияти туғилган. Милоддан аввалги X асрда Чжоу давлатида ван — Му томонидан 3000 та моддага эга бўлган Жиноят Кодекси, яъни жазолар тўғрисида қонуннома ишлаб чиқилган. Мазкур қонуннома айбни енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатлар ҳақида сўз юритилган, эҳтиётсизлик ва қасддан қилинган хатти-ҳаракатлар бир-биридан ажратилган.

Милоддан аввалги V-IV асрларда легизм тарафдорларининг илғор вакилларидан бири Ли Куй томонидан тузилган **“Вей подшолиги қонунлари китоби”** қадимги Хитойдаги илк қонунлар тўпламларидан бири ҳисобланади. У қуйидаги олти бобдан иборат бўлган: ўғрилар, жиноятчиларни тутиш, қатл этиш ва қийнаш қуроллари ҳақидаги қонунлар.

Албатта, бу тўплам анча ибтидоий шаклда бўлган. Лекин у келажакда шундай қонунлар тўпламларини яратишда алоҳида аҳамият касб этган.

Хитой анъанавий ҳуқуқида хусусий ҳуқуқ меъёрлари мустақил ривожланмаган. Лекин шунга қарамай, Чжоу даврининг охирларидан бошлаб (милоддан аввалги IV-III асрларда) "ю" феъли "мулкка эга бўлиш" деган маънони билдирган.

Шан (Инь) ва Ғарбий Чжоу даврида ерлар подшо (Ван)нинг мулки ҳисобланган. Подшодан мукофот, инъом тариқасида ер олганлар ундан фақат фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишган. Ғарбий Чжоу даврида эгаликдаги ерларнинг хусусий мулкка айланиш анъанаси сезила бошланган. I аср ўрталарига келиб, бир қатор подшоликлар ер олиш-сотиш ҳақида ўзаро битимлар туза бошлаган. Ерлар сотиладиган ва сотиб олинадиган, майда участкаларга бўлинадиган ёки айрим шахслар қўлида тўпланиши одат тусига кирган. Лекин ердан фойдаланиш хусусий бўладими ёки жамоа асосида бўладими, унга эгалик қай тарзда бўлишидан қатъий назар, ер барибир давлатники ҳисобланган. Ер ундан фойдаланувчиларга — вақтинча эгалик қилиб турувчиларга тўлиқ хусусий мулк бўлиб ўтмаган. Цинь даврига келиб, ерларни қайта тақсимлаш ва унинг янги зодагонлар қўлига ўтиши ҳисобига хусусий мулкка асосланган ер эгаликлари жадал ривожланган.

Олим МАШАРИПОВ
тайёрлади

Ҳар кимки ёмон бўлса...

ТИСАРИЛИШ

ЁКИ ТУҲМАТЧИНИНГ ЖАЗОСИ

Ҳар бир соҳа ўртасида рақобат бўлиши табиий ҳол. Фақат у ўзаро беллашув асосида вужудга келиши ва тарафларнинг келажак орзу-ўйлари, галдаги режалари ҳақида ўртоқлашиши, бир-бирининг фикрини бойитиши, касб сирларини мукаммал эгаллаши учун хизмат қилиши керак. Минг афсуски, айрим одамлар рақобатни душманликка айлантириб юборади, ҳамкасблари оёғига болта уришга ҳаракат қилади. Бундай қора ишларга, айниқса, имонсиз ва истеъдодсиз кишилар кўпроқ мойил бўлади. Негаки, ўз ишини севган ва касбини мукаммал эгаллаган мутахассис ҳеч қачон вақтини зое кетказиб, бировга чоҳ қазимайди. Аксинча, тинмай изланиб, бутун умрини кишиларга нафи тегадиган ишларга бағишлайди.

Пайариқ туман марказий поликлиникасининг бош врачи Абдулла Бўрибоев 38 йиллик умрини халқ саломатлиги учун бағишлади. 30 йилдан зиёд туман марказий шифохонасига раҳбарлик қилди. У ана шу ўтган йиллар мобайнида фақат ишни ўйлади, туманда тиббиёт соҳасини яхшилаш, туман марказидан 40-50 чақирим узоқ масофада истиқомат қилаётган аҳолининг тиббий хизматга бўлган талабини қондириш, тоғли ҳудудлардаги шифо масканларини жиҳозлаш ва у ерда ишловчилар учун имконият яратиб бериш мақсадида бор куч-ғайратини ишга солди. Кечани кеча, кундузни кундуз демади. Бироқ ана шундай ҳаловатсиз кунлар эвазига қўлга киритилган обрў-эътиборига бирданига соя тушди.

Гап шундаки, Пайариқ туман бирлашган шифохонасида бир гуруҳ "ёзғувчи"лар фаолият кўрсатаётган бўлиб, улар ниҳоятда сергаклик, ҳушёрлик билан бош табибнинг ҳар бир босган қадамини тинмай кузатиб келишар, бу одамнинг сира ҳам чалғимаётганидан хуноб бўлишиб, инэтларини ейишар эди.

Абдулла Бўрибоев туман марказий поликлиникаси бош врачлигига тайинланган дастлабки кунидан бошлаб, шу ерда ишловчи врач ва ҳамшираларнинг иш ўринларида бўлишини қаттиқ назорат остига олди. Поликлиникага даво истаб келган беморлар учун етарли шарт-шароит яратиш ҳақида ўйлади. 1955-56 йиллар атрофида қурилиб, фойдаланишга топширилган мактаб ўрнида фаолият кўрсатаётган поликлиника биноси коридори ва айрим хоналаридаги чириб, яроқсиз ҳолга келиб қолган полини алмаштириб, таъмирдан чиқарди. Ҳовлидаги бир туп теракни қирқтириб, (туман табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси рухсати билан) шу ишларни амалга оширишда фойдаланди. Бош врачнинг бу ҳаракатлари нима учундир врач-терапевт Турсун Хўжақулов ва унинг атрофига уюшган айрим кишиларга ёқмади. Улар турли идораларга айбловномалар билан тўлиб-тошган хатларни кетма-кет жўната бошлашди. Натижада поликлиникада "текшир-текшир", мажлисбозлик авжига чиқди. Лекин ҳар хил даражадаги тафтишчилар турли усуллар орқали текширишлар ўтказса-да, хатдаги келтирилган важлар исботланмас, бундан "ёзғувчи"ларнинг фиғони фалакка чиқарди. Хўш, улар энди нима қилсин? Айби борнинг ҳадиги бор, дейдилар. Ҳадик дастлаб "қўлидан ҳар бир иш келадиган неча-неча ёзғувчилар"нинг ҳомийси, кенгашли йиғилишнинг кенгаш беролмас оқсоқоли Турсун Хўжақуловнинг юрагига ин қурди. Текширувчилар келиб-кетганидан кейин у ўзини қўярга жой тополмай қолди. Кўз олдидан бундан 21 йил илгари қилган қилмишлари бирма-бир ўтиб, пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди. Хўш, бундан 21 йил илгари унинг ҳаётида қандай воқеа содир бўлган эди?

Худди ҳозиргидек эсида. 1981 йилнинг октябр ойида Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманида яшовчи Одил Тожиев Наримон қўрғонида яшовчи яқин қариндошининг хонадонига меҳмон бўлиб келди. Турсун эртасига қўшнисининг меҳмонини ўз уйига таклиф қилди. Уларга зиёфат берди. Хуллас, "ён қўшним, жон қўшним" деганларидек, "меҳмондўстлиги"ни бир кўрсатиб қўймоқчи бўлди.

Аммо уй эгасининг кўнглида бир "тугун" бор эди. У туман бирлашган шифохонасининг бош врачи Ўроқхон Нарзуллаев ва унинг ўринбосари Абдулла Бўрибоевларга қарши курашда ўзига шерик излаб юрганди. "Олисдан келган меҳмон бедминнат хизмат қилармикан, — деб ўйлади у. — Шундай бўлса, сих ҳам, кабоб ҳам куймаган бўларди. Биринчидан, бўҳтонни ким уюштиргани сир бўлиб қоларди, иккинчидан, фурсатдан унумли фойдаланишга улгураман. Бош врачлик мансабига мендан бошқа даъвогар қолмайди — олам гулистон".

Ўша оқшом меҳмон — Одил Тўрақулов котибга айланди. Мезбон ҳамма гапни маромига етказиб айтиб турди. Кейин шикоятга Холбек Одилов ва Хосият Рўзибоевaларнинг номлари тиркалиб, қалбаки имзолар ҳам чекилди. Хатдан икки нусха кўчирилиб, бири ўша пайтдаги Соғлиқни сақлаш министрлигига, иккинчиси номдор журналлардан бирига юбориладиган бўлди. Шу лаҳзада Турсун ўйланиб қолди: хатларни ким ёзгани текшириб қолинса, конвертдаги почта муҳрлари сирни очиб қўймасмикан? Хатларни Сирдарёдан почта орқали ташлаш керакка ўхшайди. У меҳмондан яна бир холис хизмат кўрсатишни илтимос қилди.

Эрталаб юртига отланган меҳмон Челак посёлкасига келганида қандай қилиб автобусдан тушганини ўзи ҳам сезмай қолди. Бўлган воқеани район прокурорига маълум қилиб, ўзига ишониб топширилган айбномани ҳам шу ерда қолдирди. У пок номни қоралашга қодир эмаслигини, «холис хизмати»нинг оқибатлари кимларга ташвиш, кимларга зарба бўлиб тушажагини, миш-мишлар авж олажагини, қанча вақт, қанча маблағ беҳуда совурилишини тушунди.

Орадан бир неча ой ўтгач, чиндан ҳам текшир-текшир бошланди. Туман бирлашган касалхонасидан текширувчилар аримай қолди. Асаблар таранглашди. О.Тожиевнинг виждонига азоб берган "тугун"лар ечила бошлади. Бу ўша ғаламислар қўлида қолган иккинчи хатнинг натижаси эди. Текширишда айбномадаги фактлар бўҳтондан иборат эканлиги билиниб қолди. Шифохона ходимларининг умумий йиғилишида туҳматчининг ниқоби очиб ташланди. У туман суди томонидан айбдор деб топилди ва газетада унинг қилмишларини фош этувчи "Ниқоб йиртилди" номли танқидий мақола чоп этилди...

Ҳа, унинг 21 йил илгари бўлиб ўтган бу воқеаларни эслаб, ҳадиксирашида жон бор эди. Пайариқ туман прокуратураси томонидан олиб борилган текшириш жараёнида унинг аризасида келтирган ҳамма важлари, поликлиника врачи Абдулла Бўрибоевга нисбатан асоссиз туҳмат эканлиги очилиб қолди... Боз устига фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди ажрим чиқарди:

«Даъвогар Абдулла Бўрибоев раддия эълон қилиш ва етказилган маънавий зарарни ундириш ҳақида даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, ўз даъво талабларини асослантириб, қуйидагиларни кўрсатган. Республика радиоэшиттириш таҳририяти "Қармоқ" ҳажвий радиожурналининг 25.12.99 йил соат 12:15 да эфирга узатилган сонида аризачи Турсун Хўжақуловнинг шикояти асосида Самарқанд вилоят Пайариқ тумани поликлиникаси бош врачи кирдикорлари, яъни поликлиника ҳовлисида ўсган теракларни қирқиб олиб, ўз шахсий манфаатига ишлатиб юборгани, поликлиника биноси коридоридаги пол тахталарини қўпориб олиб кетилгани маълум қилинган. Таҳририятнинг бу эшиттириши асоссиз бўлиб, унинг шаъни, қадрқиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар тарқатилган, деб ҳисобланади...

Мирobод туманлараро судининг 2001 йил 13 мартдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар А.Бўрибоевнинг жавобгар — радиоэшиттириш таҳририятига нисбатан раддия эълон қилиш ва етказилган маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъвоси қаноатлантирилган. Радиоэшиттириш таҳририятига раддия эълон қилиш мажбурияти юклатилган...

...Иш ҳужжатларида кўрсатилишича, уни кўриш жараёнида шикоятчи Турсун Хўжақулов радиоэшиттириш таҳририятига юборган аризасида келтирган важларни баён қилиб, худди шу мазмунда Пайариқ туман прокуратурасига ҳам мурожаат этган. Шу ариза юзасидан прокуратура томонидан текшириш олиб борилаётганидан хабардор бўлган мухбир текшириш якунини кутмасдан, Хўжақуловнинг шикояти асосида радиоэшиттириш тайёрлаб, уни "Қармоқ" танқидий радиоэшиттириши орқали эфирга узатган. Ваҳоланки, прокуратура олиб борган текшириш жараёнида Хўжақуловнинг аризасида келтирилган важлар ўз исботини топмаган ва шикоятчи ўз қилмишлари учун суднинг қарори билан маъмурий жазога тортилган ва бу қарор ноқонуний кучга кирган. Юқоридагиларга кўра ФПКнинг 433-модда 1-бандини қўллаб, суд ҳайъати ажрим қилади:

Мирobод туманлараро судининг 2001 йил 13 мартдаги мазкур фуқаролик иши бўйича ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилиб, қуйидагилар билан тўлдирилсин.

— Раддия "Қармоқ" танқидий радиоэшиттириши орқали бир ой муддат ичида эълон қилинсин.

— Республика радиоэшиттириш таҳририятидан Абдулла Бўрибоев фойдасига 10225 сўм ундирилсин.

Раислик этувчи Х.Ҳакимова»

Ниҳоят, кеч бўлса-да, ҳақиқат қарор топди. Лекин шунча сарсону саргардонлик, азобу изтироблардан ким фойда кўрди? А.Бўрибоевнинг соғлиги, руҳияти, ишонч ва эътиқодига етказилган маънавий зарарнинг ўрнини пул билан тўлдириб бўлармикан?

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда ҳуқуқий давлат қуриш сари қадам ташланмоқда. Ҳуқуқий давлат ҳар биримиздан жуда юксак инсоний масъулият талаб этади. Буни ҳар биримиз теран англамоғимиз, шунга қараб холис ва одилона йўл тутмоғимиз лозим. Асосий гап шу, қолгани ҳар кимнинг ўз виждонига ҳавола.

Рўзимурод ТУРСУНОВ,
журналист

АДВОКАТЛИК — МАШАҚҚАТЛИ КАСБ

Мамлакатимиз ижтимоий тараққиётнинг янги босқичи сари қадам қўйди. Шунингдек, иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида эришган ютуқларимиз суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда. Бинобарин, инсон манфаати, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари тилга олинганда, энг аввал суд-ҳуқуқ идоралари ўртасида адвокатуранинг тутган ўрни ва мавқеини четлаб ўтиш инсофдан эмас. Маълумки, адвокатуранинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасида ўз ифодасини топган. Унда ёзилишича, тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқаролар, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади.

Бундан ташқари, ушбу конституциявий меъёр ривожлантирилиб, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йилнинг 27 декабр куни **"Адвокатура тўғрисида"**ги Қонуни қабул қилинган. Кейинчалик адвокатлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида **"Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"**ги яна бир муҳим Қонун (1998 йил 25 декабр) жорий этилди.

Шу ўринда адвокатлик қандай касб ва унинг касб этикаси қоидалари нима, деган ҳақли савол туғилади.

Аввало, адвокат профессионал ҳимоячи эканини унутмаслигимиз керак. У олий юридик маълумот ҳамда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиши лозим.

Адвокат жуда масъулиятли касб бўлгани учун қонун-қоида ва тартибларга риоя қилиш билан бирга касб этикасини пухта билиши жуда муҳим. Чунки адвокат иш юзасидан турли ташкилот ва органлар билан алоқа ўрнатганда ўзини босиқ ва вазмин тутиши, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳам ҳимоя қилиши шарт. Мазкур ҳужжатнинг "умумий қоидалар" бўлимида **"Адвокат жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ фаолиятни қонунда белгиланган тартибда мустақил равишда амалга оширади"**, дейилган.

Шунингдек, адвокат халқ ўртасида ўзининг одоб-ахлоқи билан ҳурмат-эътиборга сазовор бўлиши керак. Адвокатлик шаънига доғ туширадиган хатти-ҳаракатлар доимо қаттиқ қораланади. Шунинг учун адвокатлар ўзлари биринчи бўлиб қонунларга қатъиян риоя қилишса, ундан кейин бошқалардан талаб қилиши осон кўчади.

Адвокат иш давомида хушмуомала, одобли, жонкуяр, ҳалол, инсофли бўлиши ва касбини сидқидилдан бажариши унга нисбатан ҳурмат-эътиборни оширади. У ҳеч қачон ўзининг билим даражаси билан қаноатланмаслиги ва қонун йўл қўядиган барча усуллардан унумли фойдалана олиши зарур. Чунки адвокат жамиятда рўй берадиган адолатсизлик ва ҳақсизликларнинг илдизини пайқай олиши ҳамда суд жараёнида икки томонлама ҳақ қарор топишини юзага чиқарадиган шахс даражасида бўлишга интилиб яшамоғи унга ниҳоятда зарур.

Адвокат ўз ҳамкасблари билан ҳам ахлоқ-одоб доирасида муносабатда бўлиши лозим. Бу ҳам биз юқорида тилга олган меъёрий ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Яъни адвокат ўз ҳамкасбларининг шаъни ва қадр-қимматини пастга урмаса, кези келганда ҳамкасбларига қўлдан келган ёрдамини аямаса, ана шунинг ўзи унинг обрў-эътиборини янада кўтаради.

Касб этикаси қоидаларида адвокатларга нисбатан айрим чеклашлар ҳам мавжуд. Жумладан, мижоз ва бошқа шахсларга ёзилган хатларда мансабдор шахслар ҳамда бошқаларнинг шаънига тегадиган беҳурмат сўз ва ибораларни қўлламаслиги лозим. Шу билан бирга ишни аввал олиб борган адвокат ҳаракатларини мижоз билан муҳокама қилиш, уни беҳурмат қилиб номига доғ тушириш, мижоз олдида бошқа бир адвокат берган маслаҳатларни тўғри эмас, деган маънода шубҳа остига қўйиш таъқиқланади.

Кўриниб турибдики, адвокат ўз фаолияти давомида қонун-қоидалардан четга чиқмаслиги билан биргаликда, касб этикаси талабларига ҳам риоя қилиши муҳим нуқталардан саналади. Сирасини айтганда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда асосий омил адвокатнинг қандай шахс эканлиги ва унинг одоб-ахлоқига боғлиқ.

Алишер ҚОДИРОВ,
ТДЮИ магистранти

Оққушлар...

Нафс кулфати

ШАЙТОН ТУЗОҒИ

Инсон бошини деворга уриб олганидан кейин ҳам кўзи очилмаса қийин экан. Шундай инсонлардан бири — ўттиз ёшни қоралаган Рашид Муродов илгари ҳам жиноятга қўл ургани учун 3 йилу 6 ой панжара ортида ўтириб чиққан эди. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек, Рашид турмадан озодликка чиққандан кейин ҳам тавбасига таянмади. Оқибатда Термиз шаҳар судининг ҳукми билан у 2000 йили 8 йилга озодликдан маҳрум қилинди. Унинг жонига Республика Президентининг умумий авф қилиш хусусидаги қарори оро кирди. Афсуски, унга бу сабоқ етарли бўлмаган экан. Шу йилнинг январ ойи охирларида тағин бир мудҳиш жиноятни амалга оширмоқчи бўлдию, аммо бу гал унинг қабиҳ нияти амалга ошмай қолди.

Термиз шаҳар марказида истиқомат қилувчи Севара Зафарова одатдагидек уй юмушларини бажариб бўлгач, телевизор ёнига ўтирди. Тунги соат ўн бирга яқинлашиб қолганда телефон жиринглади. Севара опа гўшакни кўтарди:

— Ойи, — нариги томондан қизи Нилуфарнинг овози эшитилди. — Болаларимни пашша талаб қўймаяпти. Суришга бирор бир доринггиз борми?

— Ҳа, "Биттнер" дорисидан озгина қолган. Бирортасини юбор, олиб кетсин, — деди онаси.

— Жияним Лобар боради, — деди қизи.

...Январнинг охирги кунлари. Термиз ҳам оппоқ қорга бурканган. Ҳаво анчайин совуқ. Бир томондан Афғон шамоли кўз очиргани қўймайди...

Бошқа бир хонадонда турадиган Рашиднинг хотини кундуз куни онасиникига бориш учун рухсат сўради.

— Майли, боравер. Уйда бўламан, — дея розилик билдирган бўлди Рашид. Хотини кетгандан кейин негадир бир ўзи уйда ўтиргиси келмади. Кўча айлангиси келди. Шундай уйининг ёнгинасида жойлашган автобазага бош суқди. Ҳайдовчилар билан у ёқ-бу ёқдан гурунглашди. Анчадан кейин дўкондан бир шиша ароқ харид қилдида, ўша жойда "тушириб", уйига йўл олди. Бироқ уйда бир ўзи яна зерикди. Шайтон унинг кўнглига ғулғула солди. Ширакайф Рашид тағин кўчага чиққиси, хотини йўқлиги туфайли бирортаси билан айш-ишрат қилгиси келиб қолди.

Бир томондан ароқнинг кайфи ҳам унинг хаёлини олиб қочди. Рашид шайтоннинг ҳийласига лаққа тушди. Шундоқ уйининг биринчи қават эшиги ёнида пича туриб, тун қоронғусига нигоҳ ташлади. Қараса, уйга кираверишдаги эшикнинг чироғи зиналарни ёритиб турибди. У шум ниятини шу жойда амалга оширишни мўлжаллади. "Шу жойда бирон аёлни ушлаб, унга пичоқ тирайман, сўнг хонага киргизиб..." ўйлади у. Бунинг учун лампочкани бураб ечиб олди-да, ўз уйининг даҳлизи тепасига ўрнатилган патронга жойлаштирди. Ана шундан сўнг у ниятини амалга ошириш учун қулай жой ҳозирлагандек бўлди. У кўп пойлаб қолмади. Рашид шайтон билан ҳамжиҳатликда қурган "тузоқ"қа дори учун жўнатилган Лобар илинди. Лобар аммасининг уйига бир зумда етиб келиб, зиналардан тўртинчи қаватга кўтарилди. Бироздан сўнг аммаси тутқазган дорини олиб, пастга туша бошлади. Тун қоронғусида ўғри мушукдек писиб турган Рашид қиз боланинг тепага зиналардан эпчил чиқиб кетганини унга билдирмасдан кузатиб турганди. Лобар зиналардан биринчи қаватга етганда қоронғуликда совуқ бир қўл билагидан тутиб, уни деворга тиради. "Овозингни чиқарсанг сўйиб ташлайман", деган эркакнинг овози эшитилди ва пичоқ тиғи бўғзига қадалди.

Рашид қиз дорини олиб чиққан хонадон билан қўшни бўлиб, бир қават пастда турарди. Бўғзига қадалган пичоқ тиғидан ўзини йўқотиб қўйган Лобар қоронғудаги босқинчининг амрини бажо келтиришга мажбур бўлди. Рашид қизнинг қўлидан маҳкам қисганча, уни ўз хонадонига олиб кирди. "Қўрқма, ўлдирмайман. Фақат жим турсанг бўлди. Бир маишат қиламиз, холос", деди ва қизга ваҳшийларча ёпиша кетди. Бокира қиз унинг асл мақсадини билгач, анча қаршилик кўрсатди. Рашиднинг қўлидан пичоқ ерга тушиб кетганда, ўзини эшикка урди. Афсуски, хона эшиги қулфлоғлиқ бўлгани учун тезда очила қолмади. Бутунлай ҳайвоний ҳирсга берилган Рашид қизга тағин ҳамла қилишга ўтди. Ана шу маҳал жонҳолатда қаршилик қилаётган Лобарнинг қулоғидаги тилла сирға Рашиднинг нигоҳини ўзига тортди. "Сирғани ечиб олиш керак, эртага пуллайман", деган ўй билан қизнинг қулоғидаги сирғаларни юлиб олди. Қиз эса бу ёвузликдан қутулиш йўлини топа олмай бор овоз билан одамларни ёрдамга чақира бошлади.

Севара опа қўшниси уйидан чиқаётган овоз ва қандайдир тапир-тупурларни эшитди. Кўнглида бир хавотир уйғониб, қизи Раъно билан зинапоядан пастлаганича қулоқ тутди.

— Э, анави ҳамиша маст бўлиб юрадиган Рашид ака хотини Мунира билан жанжал қилаётган бўлса керак, — деди Раъно. — Анча тинчиб қолишди шекилли. Қоронғида юриб нима қиламиз, яхшиси уйга кирақолайлик, — деди онасига.

Она-бола ортига қайтишди. Шунда Севара опа яқиндагина уйга кираверишда ўзи қўйган лампочканинг ёнмаётганлигидан хавотирланди. Шунда бирдан "Қўйвор, ифлос!" деган овоз эшитилди. Севара опа яна зиналардан пастламоқчи эди, уйидаги телефон жиринглаб қолди.

Қизи Нилуфар дорига юборган Лобарни сўраб телефон қилган эди.

— Бериб юбордим. Лобар ҳали боргани йўқми? —деди Севара опа унга жавобан ва кўнгли бирдан хижиллашди. У энди зиналардан "Лобар, Лобар!" дея пастлай бошлади. Бир қават пастдаги қўшни хонадан Лобарнинг "Амма ёрдам беринг!" деган чинқириғи эшитилди.

— Ая, анави қўшнимиз Рашиднинг уйидан овоз эшитилаяпти. Лобарга бир нарса бўлган, — деди қизи.

Она-бола Рашиднинг эшигини тепа бошлади. Эшикнинг устма-уст тепилиши Рашиднинг ниятини ўзгартирди, бирдан қизни силтаб турғизди-да, эшик қулфини очиб, уни ташқарига силтаб ташлади. Хона эшиги яна қулфланди. "Энди мени милицияга беришади. Тезда қочиб қолишим керак", деб ўйлади у. Ана шу хаёл билан ўзини деразадан ташқарига отди. Рашид жон талвасада онаси яшайдиган уйга бориб, ҳеч кимга сездирмасдан кириб олди. Чунки бу пайтда ҳамма эндигина уйқуга кетган эди...

Мунаввар тонг отди. Қиш осмони тиниқ. Ҳаводa биронта ҳам булут парчаси кўринмасди. Эрталабданоқ жануб қуёши илиқ нурларини ерда юрган яхши-ю, ёмонга сочиб турарди. Гўё тун чоғи ҳеч нарса бўлмагандек, шайтон тузоғини йиғиб олган эди. Рашид Муродов ҳам уйғониб дарҳол кўчага отланди. Кўп ҳам узоққа боргани йўқ. Ички ишлар бўлими ходимлари уни бир зумда топиб келтиришди. Оилали, икки фарзанднинг отаси бўлган нопок инсон Рашид Муродовнинг қўлига қайтадан кишан урилди. Мусаффо ва беғубор осмонга қараган Рашиднинг нигоҳи ерга қадалди. Бу пайтда суд ҳам унинг устидан ўз ҳукмини чиқариб улгурган эди.

Ўз мухбиримиз

Профессор жиннихонада жавоб теккан бемор билан гаплашаяпти...

— Қалай? Яхши даволашдими? Бу ернинг шароитидан мамнунмисиз?

— О! Асти сўраманг! Жуда ҳам мамнунман. Сизни ҳам даволаб чиқаришади.

— Э, қадрли ўртоқ мен профессорман.

— Парво қилманг! Бу ерга тушганимда мен ҳам Александр Македонский эдим.

КЕЛИНГ, КУЛИШАЙЛИК

Сартарошнинг ошнаси унга қарз берибди.

— Раҳмат сенга, дўстим! — деб хитоб қилибди сартарош суюниб. Агар бошингга бирор мусибат тушса, бутун дунё сендан юз ўгирса, агар ота-онанг, хотининг, ака-уканг, опа-сингилларинг сени ташлаб кетса, менинг олдимга келавер — сочингни бепул олиб қўяман.

РАШК БАЛОСИ

Эрали Мамадалиев Жиноят Кодексининг 97-модда 2-қисми «в» ва «ж» бандлари билан айбли топилиб, узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Достон ва унинг синглисига қийин бўлди. Кўргуликни қарангки, ака-сингил бир пайтнинг ўзида ҳам ота, ҳам онадан ажралиб қолдилар. Энди улар гоҳ катта бувибуваларининг қучоғида, гоҳ амаки, гоҳ тоға, баъзан холалариникида яшашга мажбур.

Бировнинг миннатли нони татимайди. Ҳар кимни ўз ота-онасидан қўймасин. Бироқ ҳаётнинг шафқатсиз йўриғи ҳам йўқ эмас. Бу ҳаёт ҳақиқатидан ҳеч ким ўзини четга ололмайди.

Воқеа 2001 йил кеч кузининг ғанимат кунларидан бирида рўй берди. Чуст туманининг Машҳат қишлоғидаги даҳшатли тунни таърифлашга тил ва қалам ожизлик қилади. Тўғри-да, баъзан инсон кимлигини ўзи билмай қолганида унинг олдида қоғоз ва қалам нима деган гап, ахир?!

Келинг, яхшиси бу машъум воқеани бевосита ўз кўзи билан кўрган, билвосита иштирок этган кишилардан эшита қолайлик.

ШАРОФИДДИННИНГ ҲИКОЯСИ

— Бир юмуш билан тижоратчи Мадаминжоннинг дўконига чиқдим, — дейди Шарофиддин Йўлдошев. — Дўкон олдида 3-4 ҳамқишлоқ йигитлар ҳангомалашиб ўтиришган экан. Мен ҳам улар қаторига қўшилдим. Орадан бир неча дақиқа ўтди. Кутилмаганда Комилжон "Тепада кимнингдир уйи ёнаяпти", деб қолди. Қарасак, ҳақиқатан ҳам қоронғуликда аланга яққол кўзга ташланди. Биргалашиб ёнғинни ўчиришга чопдик. Борсак, Эралининг молхонаси ёнаётган экан. Ҳовлида Эралининг ўғли Достон ва қизи турган экан.

— Отам ишга кетган, онам Узра холаникига чиқиб кетувди, — деди Достон.

— Амаки, уйимиз ёниб кетади, — деб йиғлашарди болалар.

НАСРИДДИННИНГ ҲИКОЯСИ

— Соат кечки 21^{00} лар чамаси эди, — дейди Насриддин Эргашев. — Томорқадаги экинларга сув қуяётган эдим. Бирдан алангадан ҳаммаёқ ёришиб кетди. Қарасам, қўшним Эралининг уйи ёнаяпти. Кўча эшик очиқ, ҳовлида ҳеч ким кўринмайди. Овозимнинг борича Эралини чақирдим. Уйидан ўғли Достон чиқди.

— Отам ярим соат олдин уйда эди. Онам Узра холаникига чиқиб кетди, — деди у менга.

Достон мен билан гаплашаётиб, молхонанинг ёнаётганини кўриб қолди. У қўрққанидан из-из йиғлашга тушди. Мен ундан бошқа гап сўрамадим. Чунки вақт зиқ эди. Шоша-пиша қўни-қўшниларни чақирдим.

— Қўрқманглар, ҳозир ўтни ўчирамиз.

— Амаки, — дея оёғим тагида Достон яна ўралашди. — Дадам онамни урди.

Боланинг гапи менда шубҳа ва гумон уйғотди. Баҳромжонни чақириб, бу ерда бир иш бор, шекилли, дедим. Кейин Холидани бошлаб келиш учун Узра холаникига чиқаётганимда, кўча томондан келаётган Эралига кўзим тушди.

— Қаерда юрибсан, хотининг қани? — дедим унга.

— Идорага чиққандим. У Узра холаникига чиқиб кетганди, — деди.

Эралини бунақанги ҳолатда сира кўрмаган эдим. Унинг эс-ҳуши ўзида эмас, ақлдан озган кимсадек кўринди кўзимга.

РАҲМОНАЛИ АКАНИНГ ҲИКОЯСИ

— 2001 йилнинг август ойлари эди, — дея эслайди Машҳат қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Раҳмонали Назаров. — Эрали менга ариза берди. Ака, мен хотинимни яхши кўраман, деди у, — бироқ маҳалладаги айрим кишилар Холидани кимлар билан дир "гап" қилишаяпти. Бу "миш-миш"ларга чора кўрсангиз.

Биз бу иш билан шуғулландик. Абдували Раимжонов, Иброҳим Йўлдошев, Бегали Раҳмонов ва Салимжон Эргашевларга нисбатан МЖТКнинг 40-моддасига асосан қонуний чора кўрдик.

Воқеа содир этилган 2001 йил 18 сентябр куни эса Холидани кундузи соат 9 лар чамасида учратиб қолдим. Оиланг тинчми, турмуш ўртоғинг билан яхши яшаяпсизларми? — деб сўрадим ундан.

— Яхши яшаяпмиз, — деб жавоб қайтарди у ва уйига кириб кетди. Кеч соат 21^{30} да маҳалла фуқаролар йиғинида ўтирган эдик. Шуҳрат Нормирзаев исмли йигит "Сойнинг нариги томонида кимнингдир уйи ёнаяпти", деб қолди. Ташқарига чиқдик. Мен Одил Нормирзаевга "бор-чи, кимнинг уйи ёнаяпти экан", деб айтдим. Шунда қаердандир Эрали пайдо бўлиб қолди. У мендан "ака, мен ҳам борайми?" деб сўради. "Уйингда ким бор?", деб уни сўроққа тутдим. "Ҳеч ким йўқ эди", деди у. "Унда бормайсанми?!" — дедим.

Орадан бир неча муддат ўтиб, Одил Нормирзаев қайтиб келди. "Тинчлик экан", деди у. Кўнглим жойига тушди. Уйга кетдим. Орадан бир соатча вақт ўтиб, дарвоза тақиллади. Чиқсам, Абдукарим аёли билан йиғлаб турибди.

— Куёвимиз Эрали қизимиз Холидани ўлдириб, ёқиб юборибди, — дейишди улар. Эралининг уйига борганимизда милиция ва прокуратура ходимлари бор экан...

ЭРАЛИНИНГ ҲИКОЯСИ

Ўша куни кеч 18 лар чамаси ишдан келдим. Хотиним хамир овқат қилган экан. Биргалашиб овқатландик. Кейин сариёғ эритишда унга ёрдамлашдим. Назаримда, хотиним ким биландир ваъдалашган чоғи икки-уч марта кўчага чиқиб келди. Сўнгра:

— Узра холаникига чиқиб келаман, — деди у менга.

— Яна бир марта эркаклар билан гапинг чиқса, сени хотин қилмайман, — дедим унга. У "сен менга хўжайин эмассан... Керак бўлса, бештаси билан юраман. Улар сени ўлдириб кетади... Сен номига эрсан..." — деди гап тортмай.

Шундан сўнг менда хотинимнинг қадамини пойлаш, уни қўлга тушириб, орани очиқ қилиш фикри туғилди. Мен гўёки ўзимни кўчага, ишга бораётгандек кўрсатиб, уйдан чиқиб кетдим. Ҳовлимизнинг шундай яқинида турган "Газ-21" автомашинаси панасига ўтиб, хотинимни пойлай бошладим. У уйдан чиқди, ўнг томонга бурилди. Тез-тез юриб узоқлаша бошлади. Сўнг у тутқатор орасига бурилди. Мен аста уйга кирдим. Хотиним молхона орқасида бир эркак билан учрашди. Эркак кишининг эгнида оқ қўйлак бор эди. Унинг ким эканлигини қоронғида аниқ таний олмадим. Уй чироғини ўчирганимда ҳалиги номаълум киши мени сезиб қолди. Хотиним ариқдан сакраб ўтди. Мен ўзимни тута олмадим. Уларга яқинлашаётганимда, хотиним йўлимни тўсди. "Тўхта, овора бўласан, барибир қўлингдан ҳеч нарса келмайди... Эркак бўлсанг, чиқиб кет. Чопонинг елкангда..." Унинг оғзидан чиққан баъзи сўзларни тилга ҳам олиб бўлмайди.

Ҳарқалай, эркак одамман, турли хил миш-миш, гап-сўзлар жонимдан тўйдириб юборди. Қишлоқда бош кўтариб юролмай қолдим. Хотинимга жаҳл билан "юр отангни олдига", дедим. У қаршилик кўрсатди. "Унда акангни айтиб келаман", дедим. Хотинимнинг қўлидан ушлаб тортаётганимда, у оёғи тойиб йиқилиб тушди. Боши тош ёки қаттиқ тўнкага тегдими, ҳарқалай у йиқилган пайт ҳушини йўқотган экан. Уни ўзига келтирмоқчи бўлдим. Аммо боши "шилқ" этиб пастга тушди. Кейин жаҳл устида уни молхонага судраб кирдим-у...

СЎНГГИ СЎЗ

Шуни айтиш керакки, Эрали Мамадалиев, ҳеч шубҳасиз, жиноятчи. Биз уни оқлаш, у айбдор эмас, деган фикрдан йироқмиз. Лекин бу мудҳиш жиноят ва унинг тафсилотлари ҳақида фикр юритганда, кўнгилда шундай саволлар туғилади: бу мудҳиш жиноят нега рўй берди? Унинг асл сабабчилари кимлар? Эрали-чи? У нега бу ёвуз ишга қўл урди? Унинг инсоний қиёфасини йўқотиб, ваҳшийлашишига ким сабабчи?

Шу ўринда яна бир савол туғилади: Эрали Мамадалиевнинг оиласи шундай парокандаликка юз тутган экан, маҳалла-кўй, қўни-қўшнилар қаёққа қарашган? Ахир, уларни бу можародан бехабар эди, деб бўлмайди-ку?!

Халқимиз табиатида азалдан жамоа туйғуси мустаҳкам ўрин олган. Йиқилганни суяш, адашганга йўл кўрсатиш халқимизнинг қонида бор. Бироқ ана шундай қадриятга айланган фазилатлар унутилган жойда қайғули ҳодисалар рўй беради.

Зеро, ҳаёт, инсон умри ғанимат экан, унинг қадрига етиш, савоб ва эзгу ишларни улуғлаш ҳам қарз, ҳам фарздир.

Маъмур МУСУРМОН,
"Инсон ва қонун" мухбири

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2002 йил 19 февралдаги 10-0204/493-сонли ҳал қилув қарорига асосан Давлат бюджетидан қарздор "Оқ-Шалола" ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бўйича ишончли шахс этиб, М.Р. Ҳайтметова тайинланган.

Корхонага нисбатан талаб ва таклифлар қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳар, А.Темур, 95-уй, Юнусобод туман ДСИ биноси, 1-қават, 38-хона.

Мурожаат учун телефон: 137-51-75.

1996 йилнинг январидан нашр этилади

ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир Шодикул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Ғайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Холли НОРБОЙ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-3143. Тиражи-10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

Навбатчи: **Ш. НИШОНОВ**

Саҳифаловчи: **Жаъфар ЖАББОРОВ**

Компьютер оператори: **М. ДЎСТОВА**

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18 (умумий бўлим), 133-70-65

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.